

*Хушхатли халқоратлар!
Туркистон заманини
қадри жамоатлиги!*

Сизларни 1 Май – Қозоғистон халқи бирлиги байрами билан муборакбод этамиз! Тарихимиздаги энг буюк шахслардан бири Билге ҳоқон шундай деган эди: “Эл бўлиб бирлашишдан буюкроқ бахт йўқ”. Бу ҳикматли нақлнинг замирида чуқур маъно, барака ва давлатчиликнинг ибтидоси ётади. Бу борада, 1995 йилда Давлат раҳбари ҳузурида маслаҳат ва кенгаш органи сифатида ташкил этилган Қозоғистон халқи Ассамблеяси ҳам жамиятни мустақамлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Қозоғистон халқи Ассамблеясининг “Эл бирлиги – янгиланган Қозоғистон таянчи” мавзусида ўтган XXXI сессиясида Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев ватанпарварлиқ руҳини юксалтиришга асосий эътибор қаратиб, ёшлар тафаккурига тинчлик ва тотувлик қадриятларини сингдириш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда Туркистон вилоятида 50га яқин этнос вакиллари ахилликда умргузаронлик қилмоқда, минтақада 11та этномаданият бирлашмалари фаолият юритмоқда. Вилоятимизда истиқомат қилаётган этнос вакиллари қозоқ тилини эркин ўзлаштирган. Бу – Туркистоннинг бирлаштирувчи кучга эга эканлигини кўрсатади. Умуман олганда, икки миллиондан зиёд туркистонликларни Мустақиллик, барқарорлик, ягона халқ ва тараққиёт тушунчалари яқинлаштиради ва бирлаштиради.

Мамлакатнинг баракали бирлиги туйғайли Туркистон вилоятида кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Туман ва шаҳарларнинг тараққиёт суръати яхшиланмоқда. Туркистон шаҳрини ривожлантиришнинг биринчи босқичи муваффақиятли яқунланди, асосий ижтимоий инфратузилма барпо этилди. 123та иншоот фойдаланишга топширилди. Қарийб 100 мингга яқин фуқаро инфратузилма ва уй-жой билан таъминланган. Янги халқаро аэропорт, маъмурий-тадбиркорлик, маданий-маънавий марказлар қад ростлади. Б. Саттарханов хиёбони янги қиёфа касб этиб, махсус иқтисодий ва санонат минтақалари барпо этилди. Туркистон шаҳри тўлиқ газлаштирилди. Буларнинг барчаси – эл-юртнинг меҳнати ва ҳамжихатлигининг самарасидир.

Қозоқ халқи бирлик ва ҳамжихатлиқни файзу-бараканинг асоси деб қабул қилган.

Барчангизни бирлик, тинчлик байрами билан табриклаган ҳолда, ҳар бир оилага кут-барака, бахт-саодат, тинчлик-омонлик тилаймиз! Қозоғистонимиз абадий бўлсин, Туркистон эса гуллаб-яшнасин!

Ўмирзақ ШҮКЕЕВ,
Туркистон
вилояти ҳокими.

Қайрат БАЛАБИЕВ,
вилоят маслаҳати
қотиби.

• “Янги Қозоғистон”ни бирга қурамиз

ИШСИЗЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Туркистонда “Меҳнат бозори истиқболлари, янги имкониятлар” ярмаркаси ўтди. Тадбирдан кўзланган мақсад – иш бевушчи ва ишсиз фуқарони бево-сита учраштириш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларни омаллаштириш эди.



Ёшлар ўртасида ишсизликни камайитириш ҳамда ма-лакани ишсизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда шимоллий минтақаларга кўчиб ўтиш ниятида бўлган фуқаролар учун янги иш ўринлари таништирилди.

Бундан ташқари, имконияти чекланган, пробация хизмати бўйича рўйхатда турган, алимент тўлаш бўйича қарздор фуқароларга ҳам мавжуд имкониятлар намойиш этилди.

Вилоят миқёсида уюштирилган бўш иш ўринлари яр-маркаси 4та йўналишда амалга оширилди. Туркистон-лик иш бевушчилар ҳамда сўзоқлик йирик корхоналар-нинг вахта услуби бўйича тавсия этган иш ўринлари тақдими, “Меҳнат” давлат дастури доирасида грант олиб, ўз ишини очган фуқаролар кўргазмаси, меҳнат муносабатларига оид қонунчиликни тушунириш, шимоллий минтақада ишлаш ниятида бўлган фуқароларга маслаҳатлар бериш.

Ярмаркада жами 334та доимий иш ўрни тавсия этилди. Шунингдек, 200 одам “Ёшлар амалиёти” ва “Дастлабки иш ўрни” лойиҳаларига йўланди. Шимоллий минтақага кўчишга тайёрланаётган 6000 одамга мас-лаҳатлар берилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 30 апрель, шанба. №47 (3100).

ЭЛ БИРЛИГИ – ЯНГИЛАНГАН ҚОЗОҒИСТОННИНГ ТАЯНЧИ



Нур-Султан шаҳрида Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида «Эл бирлиги – янгиланган Қозоғистоннинг таянчи» мавзусида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг XXX сессияси ўтди

Сессияда 550дан зиёд делегат иштирок этди. Улар орасида барча вилоятлардан Ассамблея аъзолари, миллий ва минтақавий этномаданият бирлашмалар раислари, парламент депутатлари, марказий ижроия органлари, сиёсий партиялар, диний бирлашмалар раҳбарлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари вакиллари, илмий ва ижодий зиёлилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари бор.

Тадбир аввалида Қасим-Жўмарт Тўқаев чиқиб кетган Қозоғистон Парламенти Мажлиси депутати ўрнига ҚХА томонидан кўрсатилган номзод сайловида иштирок этди. Овоз беришдан сўнг Президент номзодларнинг ишончли вакиллари билан суҳбатлашди. Давлат раҳбари Конституцияга киритилиши кутилаётган ўзгаришлар туйғайли бу шундай шаклдаги сўнги сайлов бўлганини таъкидлади.

– Бинобарин Қозоғистон халқи Ассамблеясининг тегишли ўринлари Парламентимизда сақланиб қолади, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ Президент Қозоғистон халқи Ассамблеясининг Конституцияга ўзгаришлар киритишни таклиф қилган эди. Шу билан бирга, ҚХА квотаси Мажлис-дан Сенатга ўтказилди, депутатлар сони эса 9 нафардан 5 нафарга қисқартирилди.

Сессияда Президент фармони билан Наталья Деметьева ва Тауфиқ Каримов

Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосарлари этиб тайинланди.

Давлат раҳбарининг фармойишлари билан Мая Бекбаева ва Зокиржон Қўзиев Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосарлари лавозимидан озод этилди.

Давлат раҳбари Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича республика референдумини ўтказишни таклиф қилди.

– Ислохотлар амалга оширилганда Конституцияга киритилган ўзгаришлар лойиҳаси Парламентда қўриб чиқилади, деб ўйлагандик. Бу амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиблардан биридир. Бироқ, кутилаётган кенг кўламли ва муҳим ўзгаришлар мамлакат келажагига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун мен Конституцияга ўзгаришлар киритиш бўйича республика референдумини ўтказишни таклиф қиламан, – деди Давлат раҳбари.

Давлат раҳбари референдум муҳим демократик институт эканлигини таъкидлади.

Қасим-Жўмарт Тўқаев бошқа этнос вакиллари билан мамлакат ривожига қўшаётган ҳиссасини давлат тилида тарғиб этувчи оммавий ахборот воситаларини имкон қадар қўллаб-қувватлашни топширди.

– Маданиятимиз ранг-баранглигини акс эттирувчи махсус маълумотларни ишлаб чиқиш зарур. Хусусан, қозоқ тили аудитория билан ишлаш керак. Қозоқ тили аудитория доираси кенгаймоқда. Бу ижобий мо-

йиллик. Бошқа этнос вакиллари билан Қозоғистон тараққиётига қўшган ҳиссасини давлат тилида тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Биз бу йўналишда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак, – деди Президент. Давлат раҳбари жамият тараққиётдаги ижобий жараёнларнинг бошида Ассамблея туришини ҳам таъкидлади.

– Ассамблея давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида муваффақиятли ҳамкорлик юритишнинг янги жараёнини йўлга қўйди. Этномаданият бирлашмалари бунга яққол мисолдир, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев. – Қозоғистон халқи бирлиги куни арафасида Ассамблея сессиясини ўтказиш яхши анъанага айланган. Бу катта рамзий маънога эга. Бирлик, тинчлик ва оқилолликни букил-мас қадриятларимиздир. Бу январь воқеаларида яққол сезилди.

Қозоғистон Президенти ҳозир хавфли кунлар ортда қолганини таъкидлади.

– Бу биз учун жуда муҳим. Дарҳақиқат, давлатчилигимизни бой беришимизга оз қолди. Халқимиз январь фожиасидан сабоқ олиши керак. Энди бундай воқеаларнинг такрорланишига йўл қўймаслигимиз керак. Олдинда жуда кўп ишлар турибди, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Akorda.kz.

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Естайули Шўкеевнинг Сариегач тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 5 май кuni соат 11.00да Сариегач шаҳрида, туман Маданият уйи майдонида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 5 май кuni соат 12.00да туман Маданият уйи қошидаги кутубхонада туман аҳолисини шахсан қабул қилади.

Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Естайули Шўкеевнинг Келес тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 5 май кuni соат 16.00да туман А. Кенжеев номидаги Маданият уйи

қошидаги майдонда ўтади, шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 5 май кuni соат 17.00да туман ҳокими девони биносида туман аҳолисини шахсан қабул қилади.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 4 майгача соат 9.00дан 19.00 оралиғида (тушки та-наффус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг ишти-рокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза бевушчининг исм-шарифи, савол мазму-ни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсати-лиши керак.

МАРДЛАРГА ТАЪЗИМ!

Буюк Ғалабанин 77 йиллигига бағишлаб, жорий йил “Жанговар полк” акцияси онлайн шаклда “Мардларга таъзим!” мавзусида ўтказилади. Шу муносабат билан тайёрландиган ахборот ва кўргазмалар қуроолларда тадбир “Мардларга таъзим!” онлайн акцияси деб ёри-тилиши керак.

Акция “Tehgrinews” сайтидаги “Ғолиблар/Победители” онлайн дастурида уюштирилади. Тадбирда иштирок этувчилар WhatsApp 7 700 905 19 45 рақамига жанг майдонида ҳалок бўлган ота-боболар ҳақидаги маълумот (исм-шарифи, туғилган куни ва йили, ҳарбийга қақирилган жой, шон-шухрати, фотосуратлари ва яна бошқаларни жўнатиши мумкин.

Қозоғистонликлар <https://tengrinews.kz/robediteli/> сайтида саволномани тўлдириб, урушда ҳалок бўлган қаҳрамонлар ва фақрийлар ҳақидаги ахборот билан таниша олади.

ҲОКИМЛАР ОҒОҲЛАНТИРИЛДИ

Вилоятимизда туман, шаҳарлардаги санитария тозалик борасида камчиликларга йўл қўйган ва карьерлардан ноқонуний фойдаланувчиларнинг хатти-ҳаракатини тўхтата олмаётган раҳбарларнинг ишлари кўрилмоқда. Бундан вилоят ҳокими иштирокида ўтган девон мажлисида минтақа раҳбари Умирзақ Шўкеев маълум қилди. Мутасадди раҳбарларнинг эътиборсизлигини танқид қилган минтақа раҳбари туман, шаҳар ҳокимларига ер қаъридан ноқонуний фойдаланувчиларга қарши курашни кучайтиришни топширди.

– Дарёлардан тўхтовсиз тош казиб олиниб, оғир юк машиналари тиним билмай қолди. Нега топшириқларни охиригача бажармайсизлар? Прокуратура, полиция, транспорт назорати ва бошқа ваколатли идоралар билан ҳамкорлик қилинг. Кечагина таъмирланган йўллар бузилмоқда. Комиссия фаолиятини янада жонлантириб, тизимли иш олиб борилиши зарур, – деди Умирзақ Шўкеев.

Кун тартибиде санитария-тозалик

масаласи ҳам муҳокама қилинди. 2021 йили вилоятимизда тозалик соҳасида ҳуқуқбузарликка йўл қўйган 3 минг нафарга яқин фуқарога маъмурий чоралар қўлланилиб, 3,9 млн. тенге жарима солинди. Вилоят ҳокимининг топшириғига кўра, бу борадаги ишлар янада кучайтирилди. Шу жумладан, вилоятимиздаги аҳоли манзиллари ҳудудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, шанбаликлар ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ва жадвали тасдиқланди. Вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалик бошқармаси раҳбарининг вазифасини бажарувчи Б. Пулатбековнинг айтишича, тозалик ишлари фаоллашган.

– Вилоят ҳокимининг топшириғига кўра, минтақада санитария тозаланиги назорат қилиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди. Натижада 537та ноқонуний чикиндихона аниқланди, – деди у. Вилоят раҳбари тозалик иш-

ларига юзаки қараётган ҳокимларни қатъий оғоҳлантирди.

– Барча туман, шаҳар ҳокимликлариде бир ўринбосар тозалик учун масъул этиб белгилансин. Мажлисга келиб, икки дақиқа маъруза ўқийсизлар, сўнг топшириқларни унутиб юборасизлар. Менга сафсатанинг кераги йўқ! Тозалик масаласи доим назоратда бўлади, – деган ҳоким туман, шаҳар ҳокимлари бу борадаги ишлар натижалари юзасидан шахсан ҳисобот бериб туришларини топширди.

Мажлисда чикиндихона майдонларини талабга мослаштириш, аҳоли манзилларида тозалик ишларига пул тўланадиган жамоат ишларига фуқароларни жалб қилиш, “Тоза шаҳар”, “Тоза ҳовли”, “Тоза кўча” танловларини уюштириш юзасидан тавсиялар берилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



◆ Брифинг

САЙРАМДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИЛАДИ

Давлат раҳбарининг ҳар 10 минг фуқаро учун камида 100та доимий иш ўринини очиш юзасидан берган топшириғига кўра, Сайрам туманида 870 иш ўрини очиш режаланган.

Бу ҳақда журналистларга берган брифингда Сайрам тумани ҳокими Уласбек Садибеков маълум қилди.

– Тадбиркорлик субъектлари ҳисобидан 530та янги иш ўрни очилди. Жорий йилда 6та сармовий лойиҳани амалга ошириш ҳисобидан 215та иш ўрини, қишлоқларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 214та иш ўрини очиш режаланган, – деди Уласбек Садибеков.

Ўтган йили туман миқёсида “Меҳнат” давлат дастурида жами 10 491 одам иштирок этиб, 6 973 одам доимий ва вақтинча иш билан таъминланган.



Шунингдек, 2021 йили кам таъминланган 4 336 оилга 926,2 млн. тенгга манзилли ижтимоий ёрдам, 3 606 болага 189,2 млн. тенге кафолатлантирилган ижтимоий пакет тайинланди. Туман миқёсида қашшоқлик даражаси сўнгги

уч йилда 2019 йили 34,8 фоиздан 2021 йили 10,3 фоизга камайди. 2022 йилда оилавий шароити оғир 77 оилга ёрдам кўрсатилиб, 3та оилани уй билан таъминлаш кўзланган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН БАРПО ЭТИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Ақурдада Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг XXXI сессияси ўтди.

Янги таркибда ўтган икки кунлик сессия кун тартибиде эришилган ютуқлар, долзарб масалалар муҳокама қилинди. Мухтасар қилиб айтганда, Ассамблея аъзолари мамлакатда ва халқаро майдондаги сиёсий қарама-қаршиликларда бирлашиши, ватанпарварлик, фуқаролик фаоллигини ошириши, ҳамжихатлик ва барқарорликни асраб-авайлаши муҳимлиги қайд этилди.

Сессия якунида ҚР Президенти, Ассамблея Раиси Қасим-Жўмарт Тўқаев ҳозирги геосиёсий вазиятда барча қозоғистонликлар бирдамли-

гидан мустаҳкамроқ куч йўқлигини таъкидлади. Ички ва ташқи қарши кучларнинг салтбий ташвиқотида алданиб қолмасликка чақирди. Март ойидаги Мақтубда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда миллат вакилларини фаолликка чақирди. Сайлов жараёнини ўзгартириш, Парламентга юқори мартабали фуқароларнинг келиши, шунингдек, кўп сонли этник гуруҳларнинг жалб этилиши таъкидланди. Конституциянинг 33-моддасига ўзгартиришлар киритиш кутилмоқда ва барча қозоғистонликларнинг ушбу муҳим воқеада иштирок этиши учун референдум ўтказишга қарор қилганини маълум қилди.

Муқаддас Рамазон ойида,



Қозоғистон халқи бирлиги куни арафасида ўтган сессия барчани янгиликлар, Янги Қозоғистонни барпо этишга даъват этди.

Алишер СОТВОЛДИЕВ, “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири.

СУНЪИЙ КЎЛДА ДАСТЛАБКИ МУСОБАҚАЛАР



Ўтган йил фойдаланишга берилган Президент истироҳат боғидаги сунъий кўлда триатлон бўйича Қозоғистон Республикасининг очиқ кубоги мусобақалари ўтди. Туркистон вилоят ҳокимлиги ва Қозоғистон Триатлон федерацияси ташаббуси билан ўтган тадбир икки кун давом этди.

Триатлон спринт бўйича 750 метрга сузган спортчилар Б. Саттарханов кўчасида 20 ча-

қирим масофани велосипедда босиб ўтиб, “Ўтрор” кичик туманида 5 чақиримга югуриш бўйича мусобақаларда иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, 38 гектар майдонни эгаллаган Президент истироҳат боғида 7та болалар майдончаси қурилиб, манзарали дарахт кўчатлари ва гуллар ўтказилиб, экилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

БОКСЧИ ҚИЗЛАР ЮТУҒИ

Қўстанай шаҳрида ўсмир қизлар ўртасида боксдан Қозоғистон Республикаси чемпионати ўтди. Қизиқарли баҳсларга бой беллашувларда Туркистон вилоятининг спортчи қизлари 1та олтин, 2та кумуш ва 2та бронза медалини қўлга киритишди.

66 кг. вазнда Айсулув Мухитга тенг келадиган рақиб топилмади. 52 кг. вазнда куч синашган Нурай Қунгейбай ва 63 кг. вазндаги Еркеназ Сейтбек кумуш медалга сазовор бўлишди. 46 кг. вазнда Аруна Жетпис ва 70 кг. вазнда куч синашган Назерке Мақулбекова бронза медал билан тақдирланди.



Республика чемпионатида ғолиб бўлганлар миллий терма жамоа таркибиде Осиё ва жаҳон чемпионат-

ларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

БАРҚАРОРЛИК – ОЛИЙ МАҚСАД



Қозоғистон халқи Ассамблеясининг «Эл бирлиги – янгиланган Қозоғистоннинг таянчи» мавзудаги XXXI сессиясида Давлатимиз раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев май ойида “Миллий қурултой”нинг биринчи йиғилиши ўтиши маълум қилди.

– Миллий қурултой» таркибига депутатлар, ҚХА аъзолари, экспертлар ва ҳуқуқ фаоллари, жамоат арбоблари ва фаоллар қиради. У мамлакат тараққийнинг долзарб масалаларини муҳокама қилади, жамоатчиликни бирлаштириш учун яратилган, – деди Президент.

Бирдамлик, ҳамжихатлик ва руҳий тетиклигимиз туфайли январь ойида биз юртимиз суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолдик, хавфсизлик, иқтисо-

дий тараққийга, тотувликка эришдик.

Элимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарорлик ва аҳилликни таъминлашда Қозоғистон халқи Ассамблеясининг ҳам хизмати беқийс.

Ассамблеяимиз, Президентимиз, мустақил юртимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Сейт БЕКМУРЗАЕВ, Тўлебий туман Жамоат тотувлиги кенгаши раиси.

◆ Президент топшириқлари амалда

ФАРОВОНЛИКНИ ОШИРИШ ЙУЛИДА



Ўтрор тумани, Интали қишлоқ округида табиий газ тармоғи тўлиқ текширувдан ўтказилиб, уйлар “зангори олов”га уланди.

Кўндан қутилган хушxabарга шерик бўлиш мақсадида туман ҳокимининг ўринбосари Жансултан Сейитжанов ва уй-жой коммунал хўжалиги, йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бўлими мудири Асилхан Қудайберген маҳаллий аҳоли билан учрашди.

–“Зангори олов” Интали ва Мингшўқур қиш-

лоқларига ҳам етиб келди. Энди фуқаролар хужжатларни расмийлаштириб, қувурлар уйларида тортилса бўлгани. Президентимизнинг қишлоқларни ривожлантириш, одамларнинг фаровонлигини орттириш юзасидан берган топширигини амалга ошириш ишлари давом этаверади, – деди ҳоким ўринбосари.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

◆ Президент топшириқлари – амалда

БАЙДИБЕК ДА САЙЁР ҚАБУЛ



Байдибек тумани аҳолиси билан учрашувда вилоят ҳокими Ғамбар Қўлиев кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Минтақа раҳбари дастлаб, фуқаролар етиштирган маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалик техникалари кўргазмасини оралаб, уларнинг фаолиятига ижобий баҳо берди. Янги бизнес-ғояларни амалга оширишга мўлжалланган давлат грантини олган ишбилармонларнинг касбини туманда оммалаштириб, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

– Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг топшириғига кўра, мамлакатимизда инқирозга қарши қарорлар қабулланмоқда. Асосий мақсад – фуқаролар даромадини камайтирмаслик, иш ўринларини қисқартирмаслик. Шу билан бирга, Туркистон вилоятида “Меҳнат”, “Оддий буюмлар иқтисодиёти” дастурлари доирасида грантлар берилиб, ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, вилоятда нефтни қайта ишлаш заводи, цемент заводи каби йирик лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Бироқ, ҳозирги кунда

йирик ишлаб чиқариш корхоналари автоматлаштирилганлиги боис, кўп ишчи кучини талаб қилмайди. Шундай экан, менинг асосий умидим – кичик тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигида. Бир киши тадбиркорлики ўзлаштириб, уч кишини иш билан таъминласа, бу масала ҳал бўлади. Биз мана шу соҳага устувор аҳамият қаратишимиз зарур, – деди минтақа раҳбари фуқароларнинг саволларига жавоб берар экан.

Шаяндаги учрашувда Байдибекликлар мактаб курилиши, газ таъминоти, ичимли сув, индустриал ҳудуднинг салоҳиятидан фойдаланиш ва яна бошқа масалаларни кўтаришди. Минтақа раҳбари ҳар бир тақлиф эътиборга олиниб, фуқаролар кўтарган қатор масалаларни босқичма-босқич ҳал этилаётганини таъкидлади.

– Байдибек туманида ижобий ўзгаришлар анчагина. Ўзим шу ерда туғилиб-ўсганим учун бу ернинг муаммоларини яхши биламан. Энг улкан масала сув эди, ҳозир қудуқлар қазилмоқда. Сув захиралари аниқланди. Бу ишни охирига етказамиз. Илгари Байдибекда газ йўқ эди, ҳозир таъминот қамрови доираси кенгаймоқда. Барча қиш-

лоқларни газга улаймиз, – деди Ғамбар Қўлиев.

Учрашувдан сўнг Ғамбар Қўлиев фуқаролар қабулини ўтказди. Барча мурожаатлар эътиборга олинди, бир фуқарони иш билан таъминлаш масаласи ҳал бўлиб, мутасадди раҳбарларга топшириқлар берилди.

Сафар давомида Ғамбар Қўлиев Интимақ аҳоли манзилини газга улаш тадбирида иштирок этиб, фуқаролар қувончига шерик бўлди. Умуман, туманда газ таъминоти ишлари жадал суръатларда олиб борилаётганлиги аниқланди. 2022 йил апрель ойининг биринчи ҳафтасида 8та қишлоққа газ берилди. Мингбулоқ қишлоғи ҳам “зангори олов” билан 100 фоиз таъминланди.

2021 йили туманда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 47,1 млрд. тенгга етиб, ўтган йилга нисбатан 2,9 млрд. тенгга ортди. Санат маҳсулоти ҳажми 1,3 млрд. тенгга, ташкил этса, сармоиялар ҳажми 14,5 млрд. тенгга ташкил этиб, 1,3 бараварга ошган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 28 млрд. тенгга ошди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



АГРОБИРЛАШМАЛАР МАДАДГА МУҲТОЖ



“АМАНАТ” партияси Туркистон вилоят филиалида Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва аграр соҳа масалалари бўйича Жамоатчилик кенгашининг мажлиси ўтди.

Унда партия филиали ижровий котиби Бейсен Тажибаев, кенгаш раиси Ерлан Нурмаханов, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Н. Бекмуратов, тадбиркорлар ва савдо бизнеси раҳбарининг вазифасини бажарувчи С. Қўшқинбай, вилоят тадбиркорлар палатаси директори Т. Нақиббеков, “Даму” тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси” ҲҲ Туркистон вилоят филиали директорининг ўринбосари М. Қанглибаев ва кенгаш аъзолари иштирок этди.

Мажлис кун тартибиде “Бизнеснинг йўл харитаси – 2025” давлат дастури доирасида йил сайин 300 нафардан зиёд тадбиркорни қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажмининг 76 млрд.

тенгга етказиш масалалари муҳокама қилинди.

Дастлаб С. Қўшқинбайнинг Йўл харитасида белгиланган кўрсаткичлар ижроси йўналишида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Ўтган йилда “Бизнеснинг йўл харитаси – 2025” давлат дастури доирасида бюджетдан 8,2 млрд. тенге ажратилиб, 2725 лойиҳа молиявий қўллаб-қувватланди. Жорий йилда эса 11,7 млрд. тенге ажратиш кўзланиб, йил охирига қадар икки мингга яқин лойиҳа қўллаб-қувватланади.

– Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доирасида сўнгги 6 йилда 23597 тадбиркорга 31711та хизмат кўрсатилди. 2022 йилнинг биринчи чорағида эса 391 тадбиркорга кўмак кўрсатилди, – деди Т. Нақиббеков.

Агросоноат мажмуасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йили барча кўрсаткичлар бажарилди. Шун-

дай бўлишига қарамай, Н. Бекмуратовнинг айтишича, иссиқхоначилик соҳасида камчиликлар мавжуд. Ўзбекистон ва Тожикистондан келаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари арзонлиги боис улар рақобатга дош беролмапти. Бизда энергия манбаларининг баҳоси юқори. Шу сабабли, Энергетика ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига баҳоларни 50 фоиз арзонлаштириш юзасидан таклиф йўлланди.

Йил якунида баҳорги дала ишларига минерал ўғитлар (аммиак селитраси, аммофос) ишлаб чиқарувчи “ҚазАзот” ҲҲ ва “ҚазФосфат” МЧБ томонидан агроташкилотларга маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмаётгани айтилиб, чора кўриш тавсия қилинди.

Мажлис якунида Б. Тажибаев фикр-мулоҳазалар масъул идораларга етказилишини алоҳида таъкидлади.

“АМАНАТ” партияси Туркистон вилоят филиалининг матбуот хизмати.



БИРЛИКДА БОР БАРАКА

Тўлебий туманида ўтган ёшлар анжуманида зиёлилар, жамоат ташкилотлари, «Ёшлар имконият маркази» вакиллари, этномаданият бирлашмалари раислари ва аъзолари, халқнинг ҳақиқий жонқуярлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими Тўлеген Телғараев миллатлараро тотувлик – Қозоғистон халқининг бебаҳо қадрияти эканини яна бир бор эслатиб ўтди.

– Бизнинг ҳар биримиз буюк тарихимиз, буюк маънавий меросимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, – деди туман раҳбари. – Табиийки, ҳар қандай дарахнинг қандай гуллаши ва қандай мева бериши унинг илдизлари

элимининг жаҳон халқлари ўртасидаги қадр-қиммати ва обрў-эътиборини янада ошириб, дунё аҳлининг мустақил давлатимизга, бунёдкор халқимизга ва келажагимизга ишончини тобора оширмоқда. Бинобарин, ўтган йили Мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаган Республикаимиз миллий сиёсатининг ўзига хос ва ўзига мослиги ҳам айнан мана шундадир. Халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойён қилиб, инсонпарвар ва ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирिशларини таъминлашга интилоқда.

Асосий Қонунимиз бўлмиш Конституцияимиз ҳам ана шу бебаҳо қадриятларимизга асослангандир. Ҳатто кўп

мамнунлиги уларнинг «Янги Қозоғистон» атрофида мустақам бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, «Ырыс алды – ынтымақ» ғоясининг асл моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда шу муқаддас Ватанимизнинг буюк келажagini куриш ва унинг мустақиллигини янада мустақамлаш йўлида фидойилик билан сидқидилдан юритаётган фаолиятларида, турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида ёрқин намойён бўлмоқда. Конституцияимиз орқали кафолатланган тенг ҳуқуқ ва кенг имкониятлар эса уларнинг кучига куч, қувватига қувват қўшиб, янгидан янги зафарлар сари илҳомлантирмоқда. Айни чоғда, бу омиллар ёшларимизни миллатлараро тотувлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туман аҳолисининг сони 119 мингдан ошди. Уларнинг 36 мингги 14-29 ёш оралиғидаги ёшлар. Бу – туман аҳолисининг 30 фоизи ёшлар дегани. 20585 ўғил-қиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилади. Жорий йилда 589 нафар йигит-қиз иш излаб махсус бўлимга мурожаат қилган бўлса, улардан 444 нафари доимий ишга жалб этилди. Қолган қисми «Йўл харитаси» дастури доирасида ишга қабул қилинди. Бундан ташқари, «Бандлик – 2025» давлат дастури бўйича ҳам ёшларимизнинг бир гуруҳи меҳнат қилмоқда. Ёшларимизга давлат томонидан уй-жой берилмоқда.

Туман фахрийлар кенгаши раиси Атирхан Шинғисбаев қозоқ халқининг асл фарзанди Бауржан Мўмишулининг бир асаридан иқтибос келтирди. «Евдан кўркмаган мард қозоқ эдим. Энди кўрқитадиган жиҳатлар кўпаймоқда. Биринчиси – болаларни бешикка беламайдиган ва бешиги йўқ халқдан кўрқаман. Иккинчиси – фарзандига алла айтадиган оналарнинг камайиб бораётганидан кўрқаман. Учинчиси – миллий урф-одатларимизни ва катталарни ҳурмат қилмайдиган болалар ўсиб келмоқдаки, уларнинг қўлига қилич берсанг, кўринганини чопиб ташлашга тайёр. Қўлига китоб олмайдиган, фарзандига одамийликни ўргатадиган ота йўқ, мен шундан ҳам кўрқаман» деган экан. Яна қозоқ халқиде бир фотиҳа бор экан, «Қўра тўла кўй бер, бешик тўла бола бер, у болага фаросат бер, фаросат бермасанг, қайтариб олавер». Боболар мероси, фарзандлар тарбиясига эътибори бу сўзларда намойён, зеро оилада бола



эмас, келажак авлод тарбияланади.

Маймуна бўйича фикрини билдирган нафақадаги устоз Асет Кембаев юртимизда фаровон яшаш учун барча имкониятлар мавжудлиги, фақат олға интилиш ва меҳнат қилиш зарурлигини таъкидлади.

– Мақсадимиз – иноқликда фаровон яшаш, – деди у. – Мен ҳам мана шу мустақил диёрда қалби беғубор, оқ кўнгли инсонлар орасида яшаётганимдан фахрланаман. Илоҳим бу юртга ҳеч қачон кўз тегмасин! Халқимиз орасидаги ўзаро аҳиллик, айниқса, байрамларда, юртимизда нишонланган тантанали маросимлар ва халқ сайилларида ўзининг бутун жозибаси билан намойён бўлади, бундай кунларда улар турли либослар, тиллар ва оҳангларда ўзларининг шукроналик туйғуларини, шу муқаддас заминга меҳру муҳаббатларини ўзларининг куй ва кўшиқлари билан ифода этадилар. Шундай пайтларда юртдошларимиз 130 миллатга бошпана берган Қозоғистонимиз ҳақиқий тинчлик, дўстлик, бағрикенглик, бирлик ва ҳамжиҳатлик мамлакатини эканлигини яна бир бор намойиш этадилар. Байрам кунларида шоду хуррамлик билан турли миллат вакиллари иштирокида ўтаётган шодидеяларни айтмайсизми.

Тўлебийликлар ҳам Қозоғистонимиз мустақиллигининг, яъни Ватанимизда истиқомат қилиб турган барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқлиликни кафолатлаб, уларнинг тили, маданияти, урф-одат ва аъналарининг ривожланиши учун кенг шароит ва имкониятлар йўлини очиб берган шарафли истиқлолимизнинг муҳим

тимсолларидан бири эканлигини чуқур англаб етмоқдалар. Бу эса, аввало кўп миллатли халқимиз руҳиятида, Президентимиз таъбири билан айтганда ...тили, дини, эътиқодидан қатъиназар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, ғоявий ва ахборий хуружларни назарда тутиш, маънавий таҳдидларга кескин зарба бера оладиган муқаддас туйғуларнинг устуворлигидан далолатдир.

Анжуманда туман ҳокими Қазигурт туманида фавқулодда вазият туфайли талафот кўрган Қарабау қишлоғи аҳолисига моддий ёрдам кўрсатган кўнгилли ёшлар ташкилотларининг фаол аъзолари, “Закот” хайрия жамғармаси издан чиқариш мақсадини кўзда тутишга айланади. Шундай экан, хушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмронлиги орқали маънавийни қудратли кучга айлантирайлик.

Тадбирнинг тантанали қисми ҳунарманд ёшлар кўргазмаси ва мактаб бадий ҳаваскорларининг “Тулпор миниб, байроқ кўтарган” номли байрам концертига улашиб кетди.

Б. ДҮСМАТОВА.



туташган тупроққа боғлиқ. Бўш жойда ҳеч нарса унмайди. Ижтимоий-маънавий тараққиётда ҳам улкан ғалабаларга эришмоқ учун катта маданий аънава ва катта маданий мерос керак. Бу бебаҳо бойликларимиз, жумладан, муқаддас аънаваларимиз ва қадриятларимиздир. Шуни алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш жоизки, азалдан халқимизга зийнат бўлиб келган олижаноблик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик каби ғўзал маънавий фазилатлар асрдан асрга сайқал топиб бормоқда. Она Ватанга, элу юртга муҳаббат ва садоқат туйғулари бугунги кунга келиб

миллатли республикамизда истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб юртдошларимиз ҳаёти, турмуш тарзи, хулқ-атвори ва дунёқарашда ҳам ана шу қадриятларимиз ва халқимизга хос бўлган юксак маънавий фазилатларнинг ижобий таъсири ўзининг ёрқин ифодасини топганки, бу омил Ватанимизнинг тинчлигини, турмушимизнинг фаровонлигини ва тараққиёт йўлимининг собитлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Миллати, дини, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъиназар, барча юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда, – деди туман маслаҳати котиби Нурлан Қўйбағаров. – Бугунги кундаги ҳаёти ва тақдирдан



Доно халқимиз “Бойлик – бойлик эмас, бирлик – бойлик” деб бежиз айтмаган. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг нияти ҳам, орзуси ҳам халқининг бирлиги ва дўстлигини шакллантиришдан иборат. Бирдамлик – бахт-саодат ва фаровонлик калитидир.
1995 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан жаҳон ҳамжамиятига намуна сифатида Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилди.
“Ассамблея – элимиздаги бирлик ва тотувликнинг муқаддас бешиги, барқарорликнинг қутлуғ чанғароғи”, деган Элбоши Нурсултан Назарбаев.
Элбошининг фармонида биноан, 1996 йилдан буён мамлакатимизда май ойининг биринчи санаси Қозоғистон халқининг бирлиги байрами сифатида нишонланади.

Ватани бирнинг тилаги бир

рорлик уйғунлашган диёрнинг фарзанди эканлигидан фахрланишини маълум қилди.



– Халқимизда “Ватанни севмоқ – иймондандир”, деган нақл бор. Бу ҳикмат мазмунидан инсон ўзи туғилиб ўсган юрти, ёр-дўстлари ва яқинлари билан боғловчи Ватанини севиши, уни ардоқлашини иймон даражасига кўтариши зарурлигини тушунамиз. Бирдамлик ва бағрикенглик йиллар давомида шаклланган тарихий қадриятлардан биридир. Зеро, ватанимиз азал-азалдан кўплаб миллат ва элатларни бағрига олган, халқимиз уларга нисбатан ҳамisha яхши муносабатда бўлган. Мен бугун барча ватандошларимни 1 Май – Қозоғистон халқининг бирлиги байрами билан табриклайман.

меросига айланиши ва буни ёш авлод онгига сингдириш зарурлигини таъкидлади.

– Бу байрамни интиқлик билан кутамиз. Тадбирлар ўтказиб, уларда қишлоқ ёшларининг фаол иштирокини таъминлаймиз. Давра суҳбати, концерт дастурлари ташкил этиб, ватанпарварлик, тотувликка бағишланган ижод намуналарини ҳавола этамиз. Мустақил Қозоғистонни келажакда бугунги ёшлар бошқаради. Улар қаторида сизнинг ва менинг фарзандларим ҳам бор. Уларни Буюк Даштнинг муносиб ворислари этиб тарбиялаш, ота-оналарнинг бурчи деб биламан, – деди у.

Дарҳақиқат, Қозоғистонда ер ости ва усти бойликлари мўл. Лекин, ҳар қандай моддий бойлик мустақиллик ва аҳилликдан ортиқ бўла олмайди. Ушбу бебаҳо инъомни кўз қорачигидек асраб-авайлаб, авлоддан-авлодга етказмоғимиз керак.

Қозоғистон халқи бирлиги байрами барчамизга муборак бўлсин!

Майсара САФАРОВА.



Туркистон шаҳридаги Н. А. Некрасов номидаги 9-сонли мактабнинг педагог-руҳшуноси, давлат тилини етук ўзлаштирган рус қизи Анна Алексина барча ватандошларини Қозоғистон халқи бирлиги куни билан қутлаб, эзгу ниятларини изҳор этди.

– Ватан – остонадан, киндик қонимиз тўқилган тупроқдан бошланади. У – муқаддас. Миллатлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат асосида дўстона алоқалар орқали элдоғи барқарорлик, осойишталикни таъминлашимиз мумкин.


Туркистон шаҳар хотин-қизлар кенгаши раисаси Улжан Мустафаева дўстлик ва барқа-



Эски Иқон қишлоқ Маданият уйи директори Хуршид Шаропов ватанпарварлик келажак авлоднинг муқаддас



МАЪНАВИЯТИМИЗ ЖОНКУЯРИ



Доимий жамоатчи обучимиз, Эркин Қолиббетов(тасвирда) билан таҳририят ишлари юзасидан Туркистон шаҳридаги драма театри биноси ёнидаги хиббонда учрашдик.

Утган асрда собиқ иттифоқ даврида 1 Май куни шаҳардаги барча қорхоналар, мактаблар жамоалари шаҳар марказий майдонида намойишда иштирок этишарди. Эркин ака ўтган асрда бу ерда ўзи хизмат қилган темирйўл тармоғига қарашли машхур новвойхона ҳамда навбатчи дўконда қандолатчилик маҳсулотларининг арзон баҳода сотилганини эслади. Ҳа, эллик йилда

эл янги. Эркин ака ҳимматларнинг энг улуғи – муштариоларимиз ва толиби илмга ҳолис хизмати билан танилган нуруний отахон.

Ихчамгина сумкасига ўзи тарғиб қилиб ёздирган муштариоларнинг исми-шарифини ҳафсала билан ёзиб қўйган. Ҳар ҳафта муштариолар билан мулоқотда бўлиб, вақтини файзли ўтказди. Утирган бўйра, юрган дарё, дея бежиз айтилмаган. Она тилимиздаги наshrни қадрлаб, эъзоз топаётган, Зиёш оқсоқолнинг зиёпарвар ўғлига сихат-саломатлик, оилавий бахт ҳамisha ёр бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.



Ягона чангароқ остида бирга

Учқайиқ қишлоқ округи маркази Така қишлоғида турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув истиқомат қилиб, тўй-тантаналарни бирга нишонлашади.



Қишлоқ ҳокими Мухтар Шалаев етакчилигида овул бийи Есимхан Қайназаров, фахрий оқсоқолларимиз Минавар Адиев, Маҳкамбой Ҳамзеев, Жалолиддин Қулаҳмедов ҳамда камина турли тадбирларда бир ёқадан бош чиқариб, ёшларга ибрат бўлишни мақсад тутганмиз. Мактаб, амбулатория, болалар боғчалари каби давлат ташкилотларида ўтадиган байрам ва тантаналарда ҳамisha биргамиз.

Қишлоғимиз марказида Камшат Хандиллаева раҳбарлик қилаётган “Алтин уя” болалар боғчаси фаолиятини бошлаган эди. Бу ерда 120 нафар жажжи болакайларга 35 нафар мураббий таълим-тарбия беради. 2022 йилнинг Наврўзини эр шодиёна билан ушбу жамоа билан нишонлагандик. Умумий чангароқ остида биргаликда ёрқин келажак сари ишонч билан одимлаганга нима етсин. Қозоғистон Халқи бирлиги байрамини ҳам ёшу қари биргаликда нишонлаймиз. Байрам муборак, қадрли юрtdошлар!

Абдулла РАСУЛОВ,
Учқайиқ қишлоқ округи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

БИРЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН!

Мустақил Қозоғистонимизда 130дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари бир чангароқ остида тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Улар миллий қадриятлар ва урф-одатлар қадрланган Она Ватан заминиде бири қош, бири кўз бўлиб, кундан-кунга шиддат билан ўзгариб бораётган давримизда “Янги Қозоғистон”ни барпо этишга бел боғлаган. Бирлик қадр топанг юрtdа тинчлик ва осойишталик бўлади.

Шундай юрtdагина бободехқоннинг қадок қўллари Она заминга уруқ қадайдди. Ёки чўпон тонг отмай туриб, Куёш заминга нур сочмай туриб, от-уловда подасини дала-кирга ҳайдайди. Устозларнинг қароқларидеги зиё нурларида балқиган меҳрни болаларга беради. Ёки инсон саломатлиги йўлида жонини фидо қилишга тайёр фидойи шифокорлару ҳамширалар инсонни

даволайди. Ёки новвой сахар туриб, эл дастурхонига ширмой нонлар ёпади.

Демак, эл-юрт меҳнатида акс этган буюк қадриятларимиз ва урф-одатларимиз турли миллат вакилларининг энг муҳим бойлигидир.

Албатта, куч-қудратимиз – бирликда, аҳилликда, ҳамжиҳатликда!!!

Шундай экан, бугун биз яна

дўстлик, эзгулик, бағрикенглик ва дунёвий тинчликни тилга оламиз.

Утган уч йил давомида биз инсоният ҳаётига раҳна солган пандемия, қатор табиий офатларнинг гувоҳи бўлдик ва уларни енгдик.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси қошида ташкил топган этномаданият бирлашмалари “Биз биргамиз!” Республика ҳаракати хайрия акцияларида фаол қатнашиб, турмуш шароити ночор оилаларига биринчи эҳтиёж буюмларини етказиб турдилар.

Кўнгиллилар кўп болали оилалар, ногиронлар, кексаларни эрчатиб қилиб, уларнинг ҳолидан хабар олдилар.

Бу давр инсоният ҳаётида пўлатдай иродани, меҳр-оқибатни ва бағрикенгликни яна бир бора истботлаб, Ҳазрати Инсоннинг буюклигини кўрсатди.

Демак, 1 Май байрами – Мустақил Қозоғистонимизда яшаётган барча миллатлар ва элатлар учун тинчлик ва биродарлик шодиёнаси. Аҳиллигимиз ва бирдамлигимиз туфайли кўп миллатли мамлакатимиз тараққий этмоқда, ёшларимиз билим чўққилларини забт этмоқда.

Бу, албатта, Мустақил Қозоғистонимизнинг истиқболи янада нурафшон бўлишига, меҳнатсевар халқимизнинг турмуши тинч ва осойишта бўлишига замин яратади.

Саодат МҮМИНБОЙ қизи.

Эл бирдамлиги - миллатлар дўстлигида намоён

Мустақил Қозоғистонимиз бугунги кунда 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб, меҳнат қилаётган бепоён мамлакатдир. Шу боис 1 Май – кўп миллатли халқимизнинг бирлиги байрами ҳисобланади.

Шунингдек, бу кун Қозоғистон халқи учун энг муҳим байрамлардан бири ва у мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида кенг нишонланади. Мақсад – давлат ҳудудида истиқомат қилаётган турли миллат, элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, аҳилликни, бирлик, умумқадриятларни тарғибот қилишдир.

“Бирликсиз куч бўлмас” деганларидек, файзу баракотни бош мақсад деб билган мамлакатимиз учун ушбу байрамнинг аҳамияти ўзгача.

Ҳар йили Қозоғистонда яшайдиган 130дан зиёд миллат вакиллари ушбу байрамда бирлик, аҳиллик ва баракат қадриятлари остида яшаётганини яна бир қарра ҳис этадилар.

“Дўстлик” чангароғи остида тўпланган этномаданият бирлашмалари байрамда миллий куй-қўшиқлари, урф-одатлари ва анъаналарини намойиш этиб, спорт мусобақаларида фаол иштирок этишади.

Шундай файзли байрам барчага муборак бўлсин!

З. КЕНЕСОВ,
фуқаро мудофааси полковниги.



МИЛЛАТЛАР ҲАМДУСТЛИГИ – ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒВОРЛИГИ



Миллатнинг олимлари ва уламолари эл шамчироғидир. Бутун бир халқнинг, юртининг тараққиёт йўлини ҳаёти ва изланишлари самараси билан ёритиб борувчи маёқдир. Муборак ҳадисларда келтирилишича, юксак заковат соҳиблари, олим уламоларга охир замон пайғамбари Муҳаммад (с.а.в)нинг меросхўрлари, ворисдошлари дея бежиз тавсиф берилмаган. Таҳририятимизнинг навбатдаги меҳмони зиё ҳафта заковат соҳиблари қадрлайдиган, илм эгалари унинг исми юксак эҳтиром билан тилга оладиган олимлар сирасидан. Қирчиллама қирқ ёшида Марказий Осиё мамлакатлари олимларидан биринчилардан бўлиб ўз йўналишида докторлик диссертациясини ҳатто дунё олимлари орзу қиладиган, кўплаб илм аҳллари эса рўёларида куришга иштиёқманд илм даргоҳи М. Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетида муваффақиятли ёқлашга муваффақ бўлган, ҚР Табиий фанлар академиясининг академиги Алимбек Мўминбек ўғли Жуманов нафақат эртаими эгалари – ёшларнинг севимли ихтисосликларини эгаллашга имкон яратиб беряпти, балки уч қардош миллат – қозоқ, ўзбек ва қирғиз халқларининг ардоқли фарзанди сифатида ҳалқимизнинг маънавий юксалишига залворли ҳисса қўшиб келмоқда.

Бироқ кечаси билан дўконда навбатда туриб, карточка орқали нон олганларимни бот-бот эслайман. Ота-онам дунёвий илм соҳиблари бўлмасалар-да, биз – фарзандларининг билим олишига жиддий эътибор қаратишган. Диний саводлари бўлса-да, рўзгор ташвишларидан ортиб, давр тақозоси билан дунёвий билим эгаллай олмасалар-да, фарзандларининг билим олишларига имкон яратиб берганлар. Ҳар доим фанларни чуқур ўрганиш, фанларнинг қироли – математикани билиш муҳимлигини тез-тез тақрорлардилар. Айниқса, онам, математикасиз ҳаётда бир қадам ҳам ташлаш мумкин эмаслигига қаттиқ ишонардилар ва унинг бу фикрларининг руҳиятимизга ҳам муҳрланган экан. Аскарлик хизматидан сўнг бухгалтер ҳисоби мутахассислигини танлаганим бежиз эмас. Онам айтган соҳада ҳақиқатан ҳам юксалиш мавжудлигига ич-ичимдан ишонардим. Ҳақиқатан ҳам оддий меҳнат одамлари математиканинг инсон ҳаётидаги юксак аҳамиятини олийгоҳларда таҳсил олмасалар-да, идроки-тафаккури билан англаган инсонлар экан. Ахир, бозор иқтисодиёти даври шароитларида ўзининг кичкина дўконига, кичик тадбиркорлигига эга инсон борки, бухгалтер ҳисоботи, солиқ тузилмаси ва сугурта тўловлари ҳақида оз бўлса-да тушунчага эга бўлишлари жоиз. Даромад топгинг келяптими, қонунларни ўрган, солиқларни тўла, дегани шу бўлади. Онам айтган насиҳатлар йиллар ўтиб, ҳақиқатга айланди: "Бу соҳанинг одамларига талаб катта бўлади, болам, афсусланмайсан" деганлари ҳамон қулоғим остида жарағлайди. Катта акам иқтисодчилик мутахассислигини танлади. Оиламизда рақамлар тўғрисида суҳбатлар кўп бўлиб турарди. Натижада менинг ҳам математикага қизиқишим кун сайин ортиб борди. Сўнг Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ўқишга кирдим. Олийгоҳда ўқиш менга завқ-шавқ бағишларди. Рақамлар ҳаётида му-

кафедрасининг мудири, иқтисодий таҳлил фанининг асосчиси, кейинчалик илмий раҳбарим бўлган, буюк олим Анатолий Данилович Шеремет билан танишдим. Менга ҳаётимда омад кулиб боқди. ТошДУнинг ректори, таниқли профессор Саидахор Саидахмад ўғли Фуломов сингари илмий ва касбига садоқатли, инсон қалбининг нозик торларидида яширин ҳисларни зумда илғайдиган, ёшларни илмга тарғиб қилган ҳаётбахш даъватлари билан ёдимда қолган олим билан ҳамнафас меҳнат

ташлаш даврида техник, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги соҳаларига ҳам талабалар эътиборини жалб этиш ҳақиқатан ҳам ўринли бўлган-дир. Ҳамма иқтисодчи бўлаверса, касб-хунарни ким эгаллайди, деган савол туғилмайдими? Сиз таълим олган даврдаги бухгалтерия ҳисоби билан ҳозирги замон ҳисоб-китоби-нинг ўртасидаги тафовут нимада?

– Инсоният ярагидан бунён айирбошлаш мавжуд, пул муносабатлари, ҳисоб-китоб билан ҳаётимиз



бўлган рағбатини кучайтириш муҳим, деб биламан. Ҳозирги кунда уларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланаётган ёшлар кўп. Уларнинг бемақсад бўлиб қолишидан ҳавотирланиш керак. Улар бугундан бунёд бўлаётган, ота-боболаримиз асрлар давомида орзу қилган ва Янги Қозоғистон ҳамда Янги Ўзбекистоннинг яратувчилари, яшнатувчилари, эртасининг эгалари бўлган ёшлардир. Икки мамлакат бунёдкор ёшларининг изланишлари, уларнинг қўлга киритаётган залворли ютуқлари илм даргоҳларининг қадриятларида ҳам мужассамлашган. Университетларда таҳсил олаётган ўғил-қизларимизни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий мутахассисликларга ўргатиш, уларнинг ташаббус ва илмий интилишларини рўйга чиқариш йўлида биз ҳаракатдамыз. Ваҳоланки, икки қардош мамлакат раҳбарларининг олиб бораётган сиёсатлари ҳам ёшларга қаратилган жонқурлигига ўз аксини топмоқда. Икки давлат олий таълим тизимидаги 45 йиллик фаолиятим даврида бунга амин бўлдим.

– Хар бир муваффақият эркак ортида уни муваффақиятга ундайдиган аёл туради, дейишди. Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз. Умр йўлдошингизнинг илм, заковат пиллапояларидан юксалишингиздаги аҳамияти нечоғлиқ?

– Умр йўлдошим билан беш ўғил, бир қизнинг ота-онаси бўлдик. Рафиқам таълим соҳасида – болалар боғчасида меҳнат қилади. Асосий вақтимни фанга бағишлаган дамларимда фарзандлар тарбияси билан шуғулланган умр йўлдошим, уларга тўғри йўналиш бера олганидан миннатдорман. Улар



қилдим. С. Қодирхонов, С. Воҳидов, А. Шоалимов, А. Қаримов, Ш. Шоёқубов сингари устозлар қўлида таълим олганимдан фахрланаман. Онгли 45 йиллик умрим ТошДУ сингари даргоҳда ўтаётганидан беҳад хурсандим. Шундай ажойиб ва бетақдор тақдир билан умргузаронлик қилиш шогирдларимга ҳам назиб этишига тилақдошман.

– Бироз йиллар муқаддам ёшларимизнинг аксар қисми, асосан, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик мутахассисликларига эътибор қаратишиб, мазкур ихтисосликларни эгаллаган-

М. В. Ломоносов номидаги МДУнинг "Ҳисоб, таҳлил ва аудит" кафедрасининг мудири, "Содружество" ҳисобчилар ва аудиторлар Ҳамжамияти президиуми аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, МДУнинг хизмат кўрсатган профессори В. П. Суиц:

"Мамлакатимиз олимлари – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, М. В. Ломоносов номидаги МДУнинг "Ҳисоб, таҳлил ва аудит" кафедрасининг мудири Анатолий Данилович Шеремет раҳбарлигидаги мутахассислари юқори малакали тадқиқотчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишди. Уларнинг саъй-ҳаракати туфайли МДҲ мамлакатларида кўзга кўринадиган олим ҳисобчилар-таҳлилчиларнинг етуқ вақиллари сафи кенгайди, улар қаторида ўзининг 70 ёшлик юбилейини нишонлаётган профессор, иқтисод фанлари доктори, ҚР Табиий фанлар академиясининг академиги Алимбек Мўминбек ўғли Жуманов алоҳида ўринга эга.

Сухбатимиз аввалида азиз муштарийларга муҳтарам олимимизнинг илмдаги ҳаёт йўли борасида маълумот беришни муҳим санадик. Олимнинг ҳаётига зимдан назар ташлаймиз-да, унинг ҳозирги замон тараққиётига доир фикр-мулоҳазалари билан танишамиз. Қаҳрамонимиз Ўзбекистоннинг Оқўрғон тумани, Аччи қишлоғида таваллуд толган. Йигитлик бурчини ўтаб келгач, Тошкент Халқ хўжалиги олийгоҳини "Бухгалтерия ҳисоби" мутахассислиги бўйича тамомлади. Айнан ушбу йўналишда олийгоҳ кафедрасида ассистентлик қилди. Кейин эса катта ўқитувчи, доцент унвонига сазовор бўлди. 1984 йили Россия Хукумати хузуридаги Москва Молия академиясида мақсадли аспирантурада таҳсил олиб, илмий ишани ҳимоя қилди. Унга иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси тақдим этилди. 1991-1994 йиллар мобайнида Москвадаги М. Ломоносов номидаги Давлат Университетида мақсадли докторантурада таҳсил олган ва иқтисод фанлари доктори илмий даражасига эришган. 1994 йилдан Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси мудири. 2002 йилдан мазкур дорилфунунининг "Давлат молияси ва солиқлар" кафедраси профессори. Шу билан бирга Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги Ўзбек-Қирғиз университетида, Қозоқ-Турк давлат университети, Шимкент университети ҳамда Қозоқ транспорти ва коммуникация академиясида илмий ишлар ва инновация бўйича директор муовини лавозимида меҳнат қилмоқда. Сухбатдошимизнинг ҳаёт йўли билан танишаётган муштарийларимизда ҳавас туйғусини уйғотадиган уч миллат дарғасининг илм оламидаги изланишлари ҳам залворли. Талабаларга бағишлаб Эта дарслик, 20та ўқув қўлланма, 30та ўқув-услубий қўлланма, 20та монография, 30дан зиёд илмий мақола ҳамда тезислар – ушбу меҳнатлар олимимизнинг 45 йиллик фаолияти давомидаги илмий изланишларининг ҳаммаси эмас, ишонаверинг. Олим А. Жумановнинг деярли ярим асрлик фаолияти салмоғини қисқа сатрлардаги чизгилар билан кўрсатишдан виждоним озорланса-да, илм дарғаси билан жонли мулоқот пайтида юзага келган мулоҳазаларини муштарийларга илинишга шошилдим.

– Алимбек оға, сизнинг муаллифлигингиз асосида тайёрланган илмий ишлар мавзуларининг ўзи бир даста. Талабаларингиз, сиз устозлик қилаётган бўлгуси фан номзодлари, фан докторлари улар билан батафсил танишиб улгуришса-да, сиз сингари завқ-шавқ ҳамда мақсадларига эришиш йўлидаги интилувчанлик шижоатига эга бўлмас керак. Сиздаги илмга бўлган интилиш қуввати, мақсадларга эришиш йўлидаги шижоат кучи кимдан юққан?

– Ҳозирги ёшларда ҳам изланишнинг ижобий қувватини ҳис этаман ва шогирдларимда бундай фазилатлар мавжудлигини кўриб қувонаман.

Болалигим урушдан кейинги йилларга тўғри келганлиги руҳиятимда, дастлабки таълим йилларида ўз аксини топган. Хабарингиз бор гуллаб-яшнаган давр бўлмаган. Таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва кўпгина соҳалар ҳали оқсаётган замонлар эди. Мактаб ўқувчиси бўлсак-да, иқтисодимиз ривож учун пахта чопиғига чиқар эдик. Онам ҳам пахта чопди. Отам ўша жамоа хўжалигининг бригадери. Волидамга ёрдам бериш ниятида гўзапоа остидаги ёввойи ўтларни юлардик. Кучим етса юламан, етмаса, акам кели ёрдамлашарди. Ўша даврларда беш ёшда эдим. Болалигим далада гўзапоялар билан пахтазорда ўтган. Очарчилик даври деб айта олмаيمان-у,



ҳим жиҳатларни намён эта бошлади. Илмий раҳбарим мени олийгоҳда қолишни маслаҳат берди. Мен ҳам ўйлаб ўтирмасдан рози бўлдим. Шу тариқа илм соҳасидаги ҳаёт йўлим бошланиб кетди. Кўп ўтмай ўзининг кучли профессор-устозлари таркиби билан донг таратган Москва молия олийгоҳидаги изланиш йўли бошланиб кетди.

– Алимбек оға, дунё тан олган жаҳон ҳамжамияти илм даргалари сафидаги олимлардан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлгансиз. Устозларингиздан кимлар билан фахрланасиз?

– Дунё олимлари тан олган буюк шахс Михаил Моисеевич Рапопорт менинг илмий раҳбарим бўлди. У жуда талабчан, ўз ишига ошиқ олимлардан эди. Мен ўша инсондан олган билимларим, унинг устозлиги менга йўл кўрсатгани учун беиҳоя миннатдорман 1991 йилда эса М. Ломоносов номидаги МДУнинг докторантурасига кириб, илмий изланишларимни давом эттирдим. Отахон илм маскани ажойиб олимларни тақдиримга тўхфа қилди. Яратгандан шундай имкониятлар тақдим этгани учун беҳад миннатдорман. Бухгалтер ҳисоби ва таҳлил

ларнинг анчаси меҳнат бозорига муносиб иш топа олмай ўз соҳасининг ишсиз ҳодимларини ташкил этишганди. Шу боис ҳам фан ва таълим вазирлиги давлат грантларининг асосий қисмини касб-хунар билим юртлирига ажратганидан хабарингиз бор. Бозор иқтисодиётига қадам

Х. А. Ясавий номидаги ХҚТУ профессори, "Иқтисодиёт" кафедрасининг профессори К. Мусабекоев: "Алимбек 1990 йиллар аввалида Москвада Кремль съездлар саройида ўтган Бутуниттифоқ бухгалтерлар ва аудиторларнинг съездида делегат бўлди. Бундай тадбирларда тез-тез иштирок этса-да, кафедрадаги ишидан бош кўтармасди. Ёш бўлишига қарамай докторлик илмий ишани ҳимоя қилди. Кафедрани бошқарди. Илмга чанқоқ ёшларни қадрлайди. Шогирдлари уни ҳурмат қилишди. Уч қардош давлат олий таълим тизимида меҳнат қилаётганлиги боис Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистондаги мутахассис раҳбарлар томонидан иши юксак баҳоланган. Олим турли вазирликларнинг Фахрий ёрлиқлари, ташаккурномалари соҳиб. Уч қардош республикада 100 дан зиёд иқтисодиёт магистрлари, 30 дан зиёд фан номзодлари ва 15 нафар фан докторига илмий раҳбарлик қилди."

чамбарчас боғлиқ. Ҳаётингизнинг истаган жабҳаси, ҳатто истаган касбу корингизни ҳам ҳисоб билан юртасиз. Бу инсон туғилиши билан дуч келинадиган муҳим соҳалардан бири. Инсон ҳар қанча хунар ўрганиши мумкин, бироқ ҳаётининг деярли ҳар дақиқасида дуч келаётган ҳисоб-китобни ўрганиб қўймаса, ишбилармонлик фаолиятида мазкур ишларни бошқаларга ҳақ тўлаш эвазига амалга оширишига тўғри келади. Саводли юритилган савдо-сотик, пул муносабатлари, солиқ тўловлари ҳар бир ишбилармонга қони фойда ва даромад манбаи ҳисобланади.

Ўтган даврдаги ва ҳозирги замон ҳисоб-китоблари тўхталса. Битта ҳисоб (счёт) бўларди. Уни тақиллатиб, бутун ҳисобот ишлари амалга оширилди. Ҳозир эса мазкур соҳа халқаро андазаларга асосланган ҳолда, ниҳоятда такомиллашиб кетди. Бухгалтерия ҳисобининг янги шакллари вужудга келди. Бошқарув ҳисоби, ички ва ташқи аудит. Ўзбекистон ва Қозоғистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий андазалари яратилди. Халқаро андазалар орқали аудитнинг миллий шакллари юзага келди. Ҳозирги кунда 1С бухгалтерия дастурисиз бирон бир ташкилотнинг фаолият юритишини тасаввур қилиш мушкул. Бу соҳа айни дамда жуда такомиллашган. Жамиятимизда электрон ҳукуматнинг вужудга келиши, иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши, IT технологияларининг ҳаётимизга кириб келиши, информатика ахборотлаштирилишининг янги услубий шакллари пайдо бўлди. Бунинг ҳаммаси бухгалтерия соҳасидаги туб ислохотларни амалга оширишни талаб қилляпти. Бу олий ўқув юртлирида мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ҳам эътиборга олинапти. Бухгалтерия ҳисоби, таҳлили, аудити бўйича билим савиясини теранлаштириш, такомиллаштириш бўйича ҳукумат раҳбарлари томонидан қарорлар, фармойишлар чиқарилган.

Ёшлар билан ишлашда энг муҳими – уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, илм-фанга

ҳам ҳаётда илм йўлини танлашди. Тўнғичим Тўратбек – Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси. Саидмурод – Ph доктори, Тошкент Давлат молия олийгоҳида илмий-инновация бўйича декан муовини, Бобомурод – солиқ қўмитаси ходими. Наврўзбек Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи. Кенжаларим Алтинбек мактаб ўқитувчиси, Нурийша мактабда таълим оляпти. Фан билан жиддий шуғулланмасанг, бирон бир натижани қўлга киритиш мумкин эмас. Оила ташвишлари, рўзгор ишларини зиммасига олган рафиқамнинг илм бобидаги фаолиятимда ҳиссаси бекиёс. Аёлимнинг фидойилиги фарзандларимизнинг комплики даражасига эришишларида ижобий таъсири катта. Унинг қўллови билан Иттифоқ даврида Урта Осиёдаги энг ёш фан доктори унвонига сазовор бўлганлигим, бежиз эмас.

– Алимбек оға, ҳавас қилгилуқ тақдир эгаси бўлиш, энг муҳими ажойиб 70 ёшга келиб, уч қардош халқлар ўртасида маънавий, маданий, маърифий алоқалар ривожига, улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ришталарини чамбарчас боғлашда астойдил ҳаракат қилгусиз, меҳнатларингиз самараси авлодларнинг юксалаётган маънавиятида ўз аксини, иншооллох, топади. Буюк муҳаддис олим Ҳасан Басрийнинг сўзларидан иқтибос келтириб, суҳбатимизга якун ясайлик – ҳақиқатан ҳам, "Аллоҳ қайси бандадан нафратланса, ундан илм олишга бўлган иштиёқни олиб қўяр экан". Ҳалол тадбиркорликка асосланган ҳисоб-китоб юритиш, хайрия тадбирларини қўлайтириш ниятидаги шогирдларингиз кўпайсин. Илм олишга бўлган иштиёқ кекса-ю ёш ҳамюртларимизни тарқатмасин. Сухбатингиз учун раҳмат!

– "Жанубий Қозоғистон"нинг ўқувчилари сафи кенгайиб, мақолаларингизни излаб ўқийдиганлар кўпайсин. Раҳмат!

Мунира САЪДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

Тасвирларда: олим А. Жуманов; оила даврасида; нонушта пайтида...

● Семинар

НАВҚИРОН
АВЛОДНИНГ
ФИДОЙИЛАРИ

«Ўқитувчи доимо ҳаракатда бўладиган, ўзгариб турадиган, ўсиб бораётган ва ривожланаётган тирик шахс билан шугулланаётганлиги сабабли, унинг фаолияти ягона услуб билан чекланиб қолиши мумкин эмас», деган экан Жусипбек Аймаутов.

XXI аср – рақобат даври. Замонавий талаблар асосида зукко, истеъдодли, ижодкор ва серқирра инсонларни тарбиялаб, вояга етказиш эзгу мақсадимиздир. Бугунги кунда давлатимиз таълим тизими сиёсатнинг устувор йўналишига айланди.

Маълумки, бу соҳада таълим тизимининг мазмуни янги йўналишга юз бурди, замонавийлаштириш, яъни таълим ислохотини амалга ошириш учун дастлабки шартлар белгиланди. Таълим мазмуни янгилаш доирасида ўқувчиларнинг вази-фавий саводхонлигини ривожлантириш таълимнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Яъни, янги-ланган таълим мазмунининг муҳим вази-фавий саводхонлиги – вази-фавий баркамол ўқувчини шакллантиришдир. Вази-фавий саводхонлик – бу шахснинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатда бўлиш салоҳияти ва бу муҳитга тез мослашиш ва мулоқот қилиш қобилияти даражасининг кўрсаткичидир. Умумий вази-фавий саводхонлик нима? Вази-фавий саводхонлик – бу одамларнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ва иқтисодий фаолиятда фаол иштироки, яъни дунёвийлашув даврида ёшдан қатъиъаназар, ўз билимининг доимий равишида такомиллаштириб бориши.

Бугунги кунда устоз Махсуда Мамадалиева раҳбарлик қилаётган “Иқон” умум-таълим мактабида ҳам вази-фавий саводхонликка эътибор кучайтирилган. Бош мақсад – Қозоғистон Республикасининг заковатли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук фуқаросини шакллантириш, унинг замонага ижтимоий мослашиши. Бу борада ўқувчиларнинг фаоллигига, ижодий фикр юритиши, қарор қабул қилиш,

касбни тўғри танлаш қобилияти, умрбод таълим олишга йўналтирилган фазилатларига эътибор кучайтирилган.

Яқинда ушбу мактабда “Ана тилиң – арың бўл, ўятың боп түр бетте”. «Өзге тилдің бәрін бил, өз тиліңді құрметте!» шиори остида қозоқ тили ва адабиёти бир-лашмаси ташаббуси билан “Қозоқ тили ва адабиёти дарсларида АКТдан самарали фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг вази-фавий саводхонлигини ошириш” мавзуда туман семинари ўтди.

Тадбирда қозоқ тили ва адабиёти услубиятчи Динара Нусқабаева раҳбарлигида 35 мактабдан ўқитувчилар иштирок этишди.

Тадбирда ўқитувчиларимиздан Эленора Шодибекова 11-“В” синфда Сайин Муратбековнинг “Тепі ескен ұл” ҳикояси, Машҳура Камолова 9-“А” синфда “Тарихы тамырлас елдер”, Гулбану Сарсенова 6-“А” синфда “Отырар кітапханасы”, 6-“В” синфда Гулчехра Камолова “Қазақтың зергерлік өнері”, Жамила Усмонова 5-“А” синфда “Бір атаның балалары”, Зарина Норметова 2-“В” синфда “Гүлге су құямыз” мавзуларида очик дарслар уюштирса, ёш мутахассисларимиз Гулбахор Жабборқулова ва Ферузабону Қаюмовалар 10-11-синфларда “Кітап – рухани байлығымыз” мавзуида аукцион дарслар ўтказишди.

Дарс давомидида ўқитувчиларимиз “Ой-

лаудың алты қаппағы”, “Бес жолды өлең”, “Венн диаграммасы”, “Түртпін алу”, “РАФТ”, “Жуан және жіңішке” каби усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг вази-фавий саводхонлигини ошириш мақсадида АКТдан самарали фойдаландилар.

Меҳмонлар фикрлари билан ўртоқлашиб, ижобий муҳит, яхши кайфият, фойдали маълумотлар, самимий ҳамкасблик муносабатлар учун миннатдорчилик билдирдилар.

Услубиятчи Динара Нусқабаева ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан дўстона муносабатда эканлиги, бунинг далили сифатида уларнинг дарсда ўзларини эркин тутиши, услубий бирлашма ўқитувчиларининг малакаси, уюшқоқлиги, бир-бирларига ғамхўрликларига эҳтиром ва эъзозини изҳор этди.

Мактаб директори Махсуда Мамадалиева тадбирда иштирок этган барча ҳамкасб-устозларга миннатдорчилик билдириб, ёш авлодга муносиб таълим-тарбия бериб, Янги Қозоғистоннинг заковатли ватанпарварларини тарбиялаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган педагоглар жамоаси билан фахрлинишни маълум қилди.

Г. МУСЛИМОВА,
қозоқ тили ва
адабиёти ўқитувчиси.



● Обуначиларимиз орасида

ШИФОКОРГА
МИННАТДОРЧИЛИК

Ўранғай қишлоғи марказида Ғазиза Азиретбергенова раҳбарлик қилаётган замонавий шифокорлик амбулаторияси жамоаси аҳолига сифатли хизмати билан танилган.

Саврон тумани ҳокими Ғани Рисбеков Ўранғайда аҳоли билан ўтган учрашувда қишлоқ соғлиқни сақлаш тизимини кенгайтириш ва такомиллаштириш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Қатор тавсия ва таклифларни ўрганиб, қисқа муддатда амалга оширишга ваъда берди. Уларнинг баъзилари, хусусан, “Тез ёрдам” автомашинаси муаммоси ижобий ҳал қилинган. Дардан фориғ бўлган С. Муҳиддинова ва С. Аҳмедов ушбу амбулатория жамоаси, хусусан, умумий амалиёт шифокори Ирода Дўсонованинг бенуқсон ва самарали хизматларини олқишлаб, миннатдорчилик билдирди. Қишлоққа навбатдаги сафаримиз чоғида ушбу муассасада бўлиб, шифокорлар Ирода Сирожиддин қизи ва Айгул Мирзақаримова билан мулоқотда бўлдик (тасвирда).

12 йиллик иш тажрибасига эга, биринчи тоифали шифокор Ирода Дўсонованинг онаси Матлуба Ҳалил қизи ва тоғаси Абдурайим Юсупов олий тиббиёт билим юртининг тажрибали ўқитувчилари сифатида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиқишган. Ироданинг падари бузруквори, “Жанубий Қозоғистон” газетаси жонқуяри, марҳум Сирожиддин Икром ўғли доим шифокор қизи билан фахрланиб келган.

Ироданинг Туркистон шахридан Ўранғай қишлоғига келин бўлиб тушганига ҳам 10 йилдан ошди. Умр йўлдоши Дилшод Муҳаммаддин ўғли билан бахтли ҳаёт кечириб, тўрт фарзандни муносиб тарбиялашмоқда. Унинг қайноғаси Муҳаммаддин Дўсонов жамоат ишларида фаол, Ўранғай қишлоғида ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси сифатида самарали фаолият юритмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

● Чернобиль фожиасига – 36 йил

Атомни ижод этиб
Даҳшат бало бунёд этиб,
Оқибатни ёд этиб
Ҳайрон ўзинг, ҳайрон ўзинг...

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов “Инсон қасидаси” шеърисида шу сатрларни ёзганида нақадар ҳақ бўлганига йиллар ўтиб, амин бўлмоқдамиз.

1986 йил 26 апрель куни соат 01:23да Украинадаги Чернобиль атом станциясида (Киевдан 100 чақирим масофадаги Днепрнинг ирмоғи бўлган Припять дарёси ёқасида жойлашган) портлаш юз бериб, реактордаги ёнғин 10 кун давом этди.

Чернобиль АЭС курилиши 1971 йилда бошланган ва 1977 йил 25 сентябрда ишга туширилган. Бу АЭС ўша пайтда Украина ССРда истеъмол қилинаётган электр энергиясининг 10 фоизини ишлаб чиқарган. АЭС 2000 йилда ёпилган. Орадан 36 йил ўтди, лекин унинг оқибатлари ҳақида ҳали ҳам баҳслар тўхтамаяпти.

Аслида портлаш юз берган 4-энергоблок 25 апрель куни таъмирлаш ишларини бошлаш учун тўхтатилиши керак бўлган, ammo номаълум сабабларга кўра негадир таъмирлашни ортга суришди.

Радиация булутини уч кун ичида Украинадан ташқари, Европанинг бир қанча мамлакатларига етиб борган эди. Совет ҳукумати дастлаб Чернобиль фожиасини яширишга уринди.

Чернобиль офати шу кунларда ҳам турлича талқин қилинмоқда. Чунки, АЭСдаги портлашга зилзила сабаб бўлган, деган тахмин ҳам бор.

Авариядан бир йил аввал АЭС директори В. Брюханов СССР геофизика институтига хат ёзиб, зилзила оқибатида ускуналарнинг ўрнидан кўзга кетганини маълум қилган, лекин ҳеч қандай чора кўрилмаганди. «Гринпис ва «Врачлар ядро урушига қарши» халқаро ташкилотининг маълумотига кўра, 1986-2000 йилларда Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган ўн минглаб одамлар вафот этган, Европада 10 минглаб майиб-мажруҳ болалар дунёга келган, 10 минг одам саратон касалига мубтало бўлиб, шифокорларга мурожаат қилган, яна 50 минг нафарида бу касаллик аломатлари бор. Орадан кўп ўтмай, Беларуссия ва Россиядан 230 минг одам уй-жойини ташлаб кетган. 5 миллион одам радиация билан ифлосланган ҳудудда ҳали ҳам яшаб келмоқда.

«Союз Чернобиль» ташкилоти маълумотларига кўра, авария оқибатларини бартараф этишда иштирок этган 600 минг одамдан 165 минг нафари ногирон бўлиб қолган. Чунки, ҳалокат оқибатларини тугатиш қатнашчиларидан асл вазият сир тutilган. Чернобилчиларга хотираларни ошкор қилиш ва у ҳақда гапириш тақиқланган эди. Йиллар давомидида ОАВда бу мавзу умуман ёритилмаган.

Чернобиль АЭСдаги ҳалокат ҳақида биринчи бўлиб Швеция пойтахти Стокгольм шаҳри яқинида жойлашган «Форсмак» радиация хавфсизлигини ўлчаш станцияси ходимлари хабар тарқатади. Аввалига улар 27 апрелдан ҳавода радиация миқдори кескин ошиб кетганини аниқлайди ва бу ҳақда бонг уриб, Швеция ҳукуматида хабар беради.

АТОМНИ ИЖОД ЭТИБ...



Инсоният тарихида энг мудҳиш атом фожиаси – Чернобиль АЭС ҳалокатига 36 йил тўлди

Шундан сўнг шведиялик мутахассислар МАГАТЭга мурожаат қилиб, СССР ғарбида содир бўлган ҳалокат ҳақида хабар берилмаганининг сабабини сўрашди.

Халқаро ташкилотлар, кўплаб хорижий давлатлар босими остида 28 апрелда «Время» дастурида Чернобиль АЭСда «арзимаган техник носозлик» юз бергани ҳақида кичик хабар берилди. Ammo дунё аҳлини фалокат кўлами «арзимаган техник носозлик» даражасида бўлганига ишонтириб бўлмади. Радиация тўлқини Швецияга етиб борди, демак унинг кўлами Москвадаги расмийлар таъкидлаётгани каби «арзимас» эмасди.

«Ваҳима кўтарманг, акс ҳолда партиядан ҳайдалиб, қамаласиз», деб, коммунистлар огоҳлантирилган эди. Мамлакат аҳолиси ва ташқи дунё ҳеч нарсани билмаслиги учун Михаил Горбачёв Украина ССР компартиясининг 1-котиби Владимир Шербицкийга 1 май байрамини Украинада катта тантаналар билан ўтказишни топширади. Уша пайтда Владимир Василевич Москвага Киев шахри аҳолисини зудлик билан кўчириш кераклигини айтганини бугун кўпчилик билмайди.

29 апрелда эса марказий нашрлар билан биргаликда Украинада чоп этиладиган газеталарнинг бир чеккасида «Чернобиль АЭСдаги реакторлардан бирида кичик техник фалокат юз бергани, мутахассислар уни бартараф этиш чораларини кўраётгани ва ҳалокат сабабларини ўрганиш учун ҳукумат комиссияси тузилгани», ҳақида кичик хабар пайдо бўлади. Бу вақтда Киевдаги хорижликлар турли баҳоналар билан ўз мамлакатига жўнатиб юборилди.

Ушанда ўз таклифларига Москвадан рад жавобини олган Шербицкий нима қилиб бўлса

ҳам халққа ёрдам бериш йўлларини излайди ва Киевдаги мактаб ўқувчиларини май ойининг бошиданок ёзги таътилга жўната бошлайди. Шунингдек, мамлакат бўйлаб алкоголь радиацияларга қарши кураш кетаётган пайтда у Киевда алкоголь маҳсулотларининг эркин сотилишига рухсат олади. Бунга врачлар алкоголь радиацияни кесади, деб ҳулоса бергани сабаб бўлади.

Иккинчи портлашнинг олдини олиш учун комиссия вайрон бўлган реакторнинг устига минглаб тонна кум ташлашга қарор қилди. Бу ишни бажариш учун Афғонистондан генерал Антошканиннинг учта ассойи ва битта ёрдамчи вертолёт полки Чернобилга сафарбар этилади.

Урушни бошдан кечирган ва Афғонистондан қайтиб келганидан сўнг ҳаётида энг хавфли лаҳзалар ортда қолганига умид қилган ўқувчилар ўзи хоҳламаган ва даҳшатни ҳис қилмаган ҳолда яна урушдан қолишмайдиган даҳшатли “гўшт майдалагич”га тушишди.

Вертолётлар ўзига ортилган кумни мўлжалга аниқ ташлаш учун нисбатан пастроқ, инсон ҳаёти учун хавфли бўлган рентген нурлари тарқалиб турган баландликда учиб керак эди. Бу ишда қатнашган ўқувчилар радиация таъсирида соғлигини йўқотгани учун икки-уч кундан кейин касалхонага олиб кетилган. Ўнга яқин вертолёт ерга қулаб тушади: улар вайронларда чиқиб қолган арматуралар билан тўқнашиб кетар ёки реактордан кўтарилган иссиқлик оқими ва радиация тўлқинига тушиб кетарди.

Чернобиль АЭС ҳалокатидан биз, армияда хизмат қилаётган ёш аскар йигитлар ҳам кўп жабр кўрдик. Уша пайтда раҳбарият радиация кўламини билиб турган бўлса-да, фалокатни бартараф этиш учун Чернобилга жуда кўплаб аскарларни жўнатган эди.

Вайрон бўлган иншоотнинг томини тозалаш ишлари бир ой давом этди. Шу вақт мобайнида у ерда минг нафардан зиёд аскар хизмат қилди. Уларнинг аксарияти уша ерда ўз соғлигини йўқотди. Янги олиб келинаётган аскарлар ўз сафдошлари бу ердан ногирон бўлиб қайтаётганини кўрса ҳам, хизматдан бўйин товлашга ҳаққи йўқ эди.

Айниқса вайрон бўлган иншоот томида иш-лаётган аскарларга қийин эди. У ерда ҳарорат жуда иссиқ бўлишидан ташқари юқори радиация тўлқини мавжуд эди.

Аскарлар ҳаётини сақлаб қолиш учун уларга 2,5 миллиметр қалинликдаги зирхли кийим кийдирилган. Қўлларига қўроғошдан тайёрланган кўлқоп кийишган, юзида ҳам ҳимоя ниқоби бўлган. Ammo бу чора ҳам уларни заҳарланишдан сақлаб қолаолмасди.

Орадан 36 йил ўтса ҳам, Чернобиль АЭСи атрофидаги 30 чақирим ҳудуддан радиация таҳди-ди кетмаган. Бироқ, шаҳар теварагидаги қишлоқларда ҳаёт уйғонмоқда, айримлар ўз уйларига қайтмоқдалар.

Ўсимликларнинг аксарияти сарғиш рангда. Шаҳарнинг кўп жойида мох ва лишайниклар учрайди, уларнинг тарихи тегишли рақиблар, радиация миқдорининг меъёридан ортиқлиги аниқланган. Уруш бораётган бўлишига қарамай, ободонлаштириш ва кўкназорлаштириш ишлари авжида: маҳаллий ҳокимлик яқин келажақда Чернобиль ва Припять шаҳарларини сайёҳлик масканига айлантиришни режалашмоқда. Чунки, сўнги 10 йилда бу ерга келиб-кетаётган сайёҳлар сони бир неча миллиондан ошган.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

◆ Обуна

“Эр Сувноқ ёшлари” ҳиммати

Чўрноқ қишлоғидаги тадбиркор Сирожиддин Шонабоев (тасвирда) раҳбарлик қилаётган “Эр Сувноқ ёшлари” жамоат бирлашмаси “Жанубий Қозоғистон” газетасига йилнинг иккинчи ярмига илк бор обунани жамоа бўлиб расмийлаштирадиган бўлди.



– Давлатимизнинг тинчлик, тотувлик ва тараққиётга қаратилган сиёсатини она тилимизда тарғиб қилаётган “Жанубий Қозоғистон” газетасини қўллаб-қувватлаймиз. Аввалги учрашувимизда айtilган қишлоғимиз ободончилигига оид қатор масалалар “Жанубий Қозоғистон” ҳамда Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси ёрдамида ҳал бўлди, бунинг учун миннатдоримиз, – деди Сирожиддин Нарзулла ўғли.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

ЎҚИ, ЎҚИ ВА ЯНА ЎҚИ



Жумадулла Абенов Саврон туманига қарашли Чипон қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, доимий жамоатчи обуначимиз, кўп хайрли ишлар ташаббускори.

Жасмина Амандуллаеваларга туман этномаданият бирлашмаси ташаккурномаларини топширди. Маданият уйи режиссёри Зебо Абдолимова ижросидаги дилрабо кўшиқ даврага файз бағишлади.

Устоз Саидахмад Тожиддинов бош-



Каминани у Анвар Жумадиллаев раҳбарлик қилаётган умумий ўрта мактабда ўтадиган китобсевар ўқувчилар анжуманига таклиф этди. Меҳмонлар ва ўқувчиларни раҳбарлар ҳамда Саврон туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Курбонбой Ирисбеков, Югнак қишлоқ округи оқсоқоллар кенгаши раиси Фарҳод Абдуллаев, фахрий оқсоқол Мансур Тожихоновлар кириб келаётган байрам билан муборакбод этиб, мактаб ва таълим-тарбияга оид фикр-мулоҳазаларини баён

қарган тадбирда тажрибали устозлар, тил ва адабиёт фани ўқитувчилари Дилбар Отаева, Марина Сердалиева, Ақмаржан Жалмурзаевалардан иборат ҳакамлар ҳайъати 5, 6, 7, 8 ҳамда 9-синф ўқувчилари ўқиган китоблари сони, моҳияти, ғояси ҳақидаги жавоблари ва олган билимларини баҳолаб боришди. Тадбирнинг бош мақсади – ўқувчиларни китоб мутолаасига қизиқтириш, қозоқ, рус, инглиз тили баробарида ўз она тилини мукамал ўзлаштиришга ёрдам бериш эди. Қизи-



етишди. Жумадулла Абенов бир гуруҳ ҳам-қишлоқлари, хусусан, тажрибали устозлар Дилбар Отаевага “Мартабали устоз” кўкрак нишони, Муҳаббат Абдуситова, Улфатхон Маннопов

қарли ҳамда мазмунли ўтган тадбир якунида Ж. Абенов тайёрлаган қимматбахо совғалар ғолибларга тақдим этилди. Бундай тадбирлар келгусида ҳам давом этади.



ва, шунингдек, иқтидорли ўқувчилар Шаҳзода Йўлдошбоева, Мафтуна Тўражоновна, Шаҳзода Йўлдошоева,

Ш. МАДАЛИЕВ.
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Муаллиф тасвирлари.

◆ 2022 – Болалар йили

ТАРБИЯДА БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мустақиллик туфайли фольклоршунослик, санъатшунослик, этнография соҳаларида изланиш, тадқиқот ишларини бажариш билан бирга уларнинг натижаларини амалда қўллаш учун кенг имкониятлар yaratилди.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йилида фольклорнинг тикланиши шиддатли тус олди. Унинг ривожланишига оммавий ахборот воситалари улкан ҳисса қўшди. Бадий ва маданий тадбирлар, миллий байрамлар, танловлар, санъат фестиваллари ташкил этилиб, улар ҳақида журналистик материаллар ва хабарлар чоп этилди. Бироқ, айрим сабабларга кўра, мактаб, мактабдан ташқари муассасаларда, болалар ва ўсмирларни тарбиялашда фольклордан фойдаланиш сусайди.

Бунинг асосий сабаблари:

Биринчидан:

– Фольклорни ташкил этишда услубий саводхонлиги шаклланган етакчи мутахассисларнинг йўқлиги.

Иккинчидан:

– Таълим дастуридан «Анъанавий кўшиқ куйлаш (муסיқа)» фанининг олиб ташланиши;

Учинчидан:

– Бадий-ижодий иш олиб бораётган педагогнинг маошининг озлиги ва барқарорлашмаганлиги яъни унга лойиқ мутахассис жалб этилмаслиги.

Бир пайтлар биз мактаб, мактабдан ташқари муассасалар ва ижтимоий маданият муассасалари амалиётида болалар фольклорининг вазифаларига оид махсус ахборотларни таҳлил

қилиб, оддий ижтимоий педагогик тадқиқот ишларини эҳтиёжга қараб олиб бордик. Сўровнома иштирокчилари сифатида биз Туркистон вилоятининг Қоратов туманидаги Сайрам аҳоли манзилидаги Ал-Форобий номидаги 113-сонли умумтаълим ўрта мактаби тажрибасини таҳлил қилдик.

Ўрта ва юқори синф ўқувчилари учун кундалик фольклорда «Алла», «Ёр-ёр», «Келин салом», «Юз очди», тўй маросимлари, «Балли қизлар», «Йигитлар султони», шунингдек, анъанавий ота касбга боғлиқ, уй жихозлари ва уларнинг турларини сифатловчи турли элементлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Юқори синф ўқувчилари учун болалар фольклорининг ёшлар тарбиясининг манбаига айланган турли ўйинлар (тез айтиш, топишмоқ айтиш, қизиқчилик) ташкиллаштирилди. Бундай тадбирлар болаларнинг дунёқараши кенгайтириш билан бирга халқпарварлик ҳиссиётларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Текшириш фольклор тўғрисида ўтказилган тадбирлар сонининг кўпайганини кўрсатди.

Амалга оширилган ишларнинг йўналишлари авлодларга болалар фольклорининг педагогик ижтимоий аҳамиятини синдириш ва уларни ҳаётда ўзлаштириш кўникмаларини синдириш учун халқ таълимининг анъанавий кадрларини ўз муҳитида оммалаштиришга қаратилган. Кўникама ҳосил қилиш учун кундалик турмуш тарзида машғулот ўтказиш, у ҳақида фикр

аллашиш, маълумот аллашиш тарзида мазмун билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг шаффофлигини таъминлаш учун биз Ал-Форобий номидаги 113-сонли умумтаълим ўрта мактаби ўқувчилари, ота-оналари билан суҳбат ўтказдик. Ёшларга нафосат ва зукколикни ўргатувчи, болаларнинг муסיқий фольклор жанрлари, уларнинг ижтимоий маъноларини ўрганиш мақсадида ўзбек халқининг айтишуви санъати мисолида ўтказилган. Халқ санъатининг қадрият қисми фольклорнинг ахлоқий вазифаси юртра, ерга, табиатга, одамларга маданиятли (инсонпарвар) муносабатини мустаҳкамлаш усули эканлиги айтилди.

Ота-оналар томонидан болалар фольклоридан таълимда фойдаланишнинг йўналиши ва усуллари тўғрисида истақлар билдирилди. Фольклорнинг мактаб таълимига катта таъсири бор эканлиги уни қўллаб қувватлашни, мактаблар билан ҳамкорликдаги тадбирларда фаол иштирок этиш истагини билдирди. Ал-Форобий номидаги 113-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 4-синф ўқувчилари билан кизиқарли «Санамалар» заковат ўйинлари ўтказдик. Уларда ота-оналар ҳам иштирок этишди.

Ўйинлар якунида ота-оналар тадбир нафақат болаларнинг кайфиятига, балки бадий билим ва дидни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшишига ишонч билдиришди. Фаол буви Барно Ортиқова тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик



билдириб, ота-оналарга болалар фольклори халқ педагогикасининг булғи эканлиги, ўқув жараёнини ўзига хос мазмун билан бойитиши таъкидланди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев 2022 йилни “Болалар йили” деб эълон қилди. Таълим жараёнида таълим воситаларидан самарали фойдаланиш технологиясини такомиллаштирувчи ўқитувчиларни тайёрлаш. Муаммоларнинг барта-раф этилишида малакали олимлар ва услубиятчилардан ташкил топган ислотлар комиссияси саъй-ҳаракатлари билан бу масала ҳал бўлади, деб ўйлайман.

Халқнинг кундалик ҳаётида кенг қўлланилган маънавий қадриятларни сақлаш, ўқувчиларда гуруҳ ҳиссини уйғотиш мақсадида миллий таълим-тарбия намуналарини ўзлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг аҳамияти ҳозирги кунда айниқса долзарбдир.

Барно МИРҲОЛИҚОВА,
Академик А. Қуатбеков номидаги Халқлар дўстлиги университетининг Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси.

◆ Ёднома

Туркистон замнининг қишлоқ хўжалиги соҳасига меҳнати сингган донгдор механизатор Ҳасан Мубошир ўғли Убайдуллаев 61 ёшда оламдан ўтди.

Ҳ. Убайдуллаев 1961 йил 1 январда Югнак қишлоғида чорвадор мутахассис Мубошир Убайдулла ўғли ҳамда қишлоқда биринчи шифокор Клара Абдулатиф қизи оиласида дунёга келди. 1977 йилдан ўзи ҳавас қилган механизаторлик касбига ихлол қўйиб, самарали меҳнат фаолиятини бошлади.

Қишлоқда Иттифоқ давридаги жамоа хўжалиги

Ҳасан Мубошир ўғли

тузумида раҳбар-раислар Муталлиб Ирисметовдан то бугунги Фарҳод Абдуллаевгача бўлган даврда жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилди. “Беларусь” тракторини мукамал ўзлаштириб, ўз соҳасининг пири аталган эди.

Сунгги йилларда Туркистондаги “Ақ жол” фирмасида меҳнат фаолиятини давом эттириб маъмурият олқишига сазовор бўлганди. Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси унвонига сазовор бўлган.

Умр йўлдоши Фотима Абдураимова билан иб-

ратли оила куриб Наима, Ҳилола, Бахтжонни тарбиялаб, вояга етказган, олти неваранинг суюкли буvasи эди.

Мазкур мусибат муносабати билан Ҳасан Убайдуллаевнинг қариндош-уруғлари, оиласи, фарзандларига, хусусан, эгизаги – Туркистон шаҳридаги Ҳамза номли мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, А. Ясавий номидаги адабий уюшманинг Туркистон шаҳри бўйича масъул котиби Ҳусан Убайдуллаевга ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этамиз. Ал-



лоқ марҳумнинг охиратини обод этсин.

Туркистон шаҳридаги Ҳамза номли умумий ўрта мактаб жамоаси.
Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси.

◆ Ёднома

Ҳаётда шундай инсонлар бўладикки, уларнинг ибратли ишлари, меҳру оқибати инсонлар хотирасида мангу яшайди. Шундай инсонлардан бири фидойи устоз, меҳрибон она Дилноза Исмоилова жорий йилнинг 20 апрелида 37 ёшида оламдан ўтди.

Унинг ортидан бағри жигарлари, турмуш ўртоғи, 4 фарзанди, кўплаган шогирдлари зор йиғлаб қолди. Аллоҳим устозимизни ўз раҳматида олган бўлсин! Ортида қолган жигаргўшаларига ҳамдардлик билдирамиз.

Гулзорларни оралаб,
Гулдан гулни саралаб,
Мангуликка йўл олди,
Юрагимиз поралаб.

Дилноза Маъмуржон қизи Исмоилова

Ҳали жуда ёш эди,
Сулув қалам қош эди.
Қанча елиб югурган,
Не-не ишга бош эди.
Ишонмаси ўлганига,
Паймонаси тўлганига,
Қулиб, қулдириб туриб,
Марҳума бўлганига.

Жаннатда бўлсин жойи,
Муборак рамазон ойи.
Дуо қилиб қоламиз,
Нурга тўлсин “Саройи”.



114-сонли «Сайрам» ўрта мактаби жамоаси.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти фаол жамоатчи, газетамиз жонкуяри, Туркистон шаҳридаги Ҳамза номли ўрта мактаб ўқитувчиси Ҳусан Убайдуллаевга акаси

Ҳасан МУБОШИР ўғлининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти “Телеби туы” газетасининг бош муҳаррири, Тўлебий туманининг фахрий фуқароси Абдималик Раҳманқуловга акаси Абдилпатта ТҮЙМЕБЕКУЛИнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти жамоаси Сайрам тумани бандлик ҳамда ижтимоий дастурлар бўлими уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази ходими Илҳомжон Абдукаримовга волидаи муҳтарамаси НИШОНОЙ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

● Обуначиларимиз орасида

Ўранғай қишлоғидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Обиддин Фахриддиновнинг файзли хонадонига қадам қўяр эканмиз, 2016 йили август ойидаги воқеа ёдимга тушди. Кенг дастурхон атрофида жамланган таниқли меҳмонлар, жамоатчилик олдида вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Жарилқасин Азиретбергенов, депутат Зуппархон Чолдоновлар Обиддин акага ҳурмат-эҳтиром билан “Туркистоннинг фахрий оқсоқоли” унвонини тақдим этиб, эзгу ниятларини изҳор этишганди.

УСТОЗЛАР
ДАВРАСИДА

Фаол обуначимиз Почтахон Бобоҷонов, Одил Меҳмоновлар билан бирга Меҳринсо Иззатуллаева раҳбарлик қилаётган “Қўшқўрғон” умумий ўрта мактабига бориб, устозлар билан мулоқотда бўлдик.



Директорнинг ўринбосарлари Сунбулхон Аҳмедова, Суръат Мирзахонов, бошланғич синф ўқитувчиси Сайёра Шакарлова, география ўқитувчиси Холдор Дўсонова, рус тили ўқитувчиси Мақсуда Басанова, математика ўқитувчиси Феруза Бобоҷонова, ўз-ўзини таниш фани ўқитувчиси Бахтжан Бобоҷоновлар билан хамсуҳбат бўлдик.

31 йилдан буён нашр этилаётган “Жанубий Қозоғистон” газетасига обуна масаласи, давлатимиз мактаблар, хусусан, қишлоқ таълим муассасалари устозлари ойлик маошини муттасил кўпайтириб бораётганлиги, демак, она тилимиздаги давлат нашри зарурлиги обунасига эътиборни ҳам қурайтириш ҳақида фикр алмашилди. Ўзаро мулоқот чоғида ўзбек

тилидаги дарсликлар масаласи, шунингдек, ушбу мактабга жаҳонга машҳур ўзбек адибларидан бирининг номини бериш хусусида таклиф илгари сурилди. Устозларнинг фикр-мулоҳаза, таклифлари, албатта, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари эътиборига ҳавола қилинади.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

ОТАЛАР СЎЗИ –
АҚЛНИНГ КЎЗИ

Ўтган йили Обиддин аканинг ташаббуси, “Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти Туркистон бўлимига мурожаати ҳамда вилоят маслаҳати депутати М. Лимаренко ёрдамида қишлоқ марказидаги Мактаб кўчаси ҳамда Туркистон-Кентов йўлининг чорраҳасида видеокузатув камераси ўрнатилди. Натижада йиллар давомида юз бераётган йўл-транспорт ҳодисаларига чек қўйилиб, бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинди. Мактаб директори Нурлан Қадиров, қишлоқ ҳокими Сиздик Пирметов, кенг жамоатчилик Обиддин акага миннатдорчилик билдирди.

О. Фахриддинов А. Навоий номли мактабда ўтган нуфузли анжуманда саҳнага чиқиб, Навоий ролини маҳорат ила ижро этгани ҳам ёдимда. “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунаси масаласида қишлоқ ҳокими, мактаб директори собиқ ўқувчиларига тарғибот тарихида мурожаат қилгани, пировардида оиласи ҳамда неваралари номидан вилоят аҳолисига обунани уюшқоқли ташкил этиш хусусидаги даъвати газетамиз саҳифаларида чоп этилганди.

Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, “Жамоат фидойиси”, “Жамият фахрийси” унвонлари каби муқофотлари ўндан зиёд. Қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмасига кўп йиллар самарали раҳбарлик қилган.

Обиддин ака шогирдлари ҳамда ҳамқишлоқларининг самимий ҳурмат-эҳтиромини энг юксак муқофот деб билади.

Оила – муқаддас кўрғон. Умр йўлдоши Райхон Отабой қизи билан Нигора ва Шуқурбек-

ларни тарбиялаб, ҳам хизматда, ҳам иззатдаги Раҳматулла ҳамда Ҳаёт исмли кўёв-келин кўриб неваравара суйган пири бадавлат оила соҳибидир. Фарзандлари ҳам ота издан бориб, устозлик касбини эъзозлашмоқда. Обиддин отанинг неваралари Муножат, Бобомурод, Жасурбек, Сарвиноз, Сурайё, Диёрбек ҳамда эваралари Фирдавс, Ихлос, Мадина, Амина, Фотима, Бибимариям, Улжан улкан оиланинг ёрқин келажакдир. О. Фахриддинов ўзи турли масалалар бўйича кўп мурожаат этадиган “Жанубий Қозоғистон” нашрининг фаол тарғиботчиси. Аини пайтда 25 нусха газетга хомийлик кўрсатётган Обиддин ака иккинчи ярим йилликка ҳам шогирдлари билан эзгу ишни давом эттиришини таъкидлаб, яна бир қарра ибрат кўрсатди.

Халқимизда “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” деган ҳикматли нақл бежиз айтилмаган. Гани Рисбеков раҳбарлик қилаётган Саврон тумани апрель ойида 1 ёшга тўлди. 9 май – Обиддин аканинг таваллуд айёми ҳамдир. Табаррук ёшда бўлса ҳам қалбидаги шижоат гайрати ёш йигитларниқидан қолишмайдиган ойлухиммат Обиддин акага, умр йўлдоши Райхон Отабой қизига сихат-саломатлик, узок умр, оилавий бахт тилаб қоламиз.

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Обиддин ака умр йўлдоши Райхон Отабой қизи ҳамда невараси Диёрбек Шуқурбек ўғли билан.

Муаллиф тасвири.

● Орамиздаги одамлар

ЭЛ АРДОҒИДАГИ
САНЪАТКОР

Шимкент шаҳрининг Бозорқоқа даҳасидаги 124-сонли мактабда таниқли суҳандон, маданият фахрийси, саҳнада Амир Темур сиймосини гавдалантириб, нафақат юртимизда, балки қўшни Ўзбекистонда ҳам танилган Абубакир Хонхўжаев билан ижодий учрашув ўтди.



● Бирлик ҳикмати

Отам мактабни тугатиб, чорвачилик билан шугулланди. Кейинчалик, пул йиғиб, учувчи бўлишни орзу қилган экан. Уруш бошланиб, фронтга кетди. 1947 йили қайтиб келиб, давлат хўжалигида, экинчилик бригадасида ишлади.

«Оиламиз шаънига доғ туширманлар», деб қайта-қайта тайинларди. Биз ҳам мактабдан сўнг отамга ёрдамлашарди. Янги кийим ҳақида орзу ҳам қилмасдим. Дадам акаларимга янги кийим олиб берса, қувонардим, бир-икки йилдан кейин улар менга қоларди-да. Йиртилса, онам тикиб берардилар. Эскичадан саводи бўлгани учун уйимиздан меҳмон аримасди.

Дадамнинг фронтдош дўсти

Оталдан қолган хотиралар

бўларди, Иван Фёдорович, уйимизга келиб турар, ҳар келганида икки-уч кун меҳмон бўларди. Отам ҳар сафар у келганида қуруқ чой, этик, яна қандайдир кийимлар бериб юборарди, Иван Фёдорович эса икки-уч қоп кўй юнгини олиб келарди. Ойим уллардан бизга иссиқ кийим, пайпоқ тўди қиб берарди.

Бир кун иёзги яйловдан қайтган, Иван Фёдорович келди. Отам бир оз гаплашади ўтиргач, ойим овқат олиб кирди.

Иван Фёдорович бир қошиқ ичиб кўрдию, косани бир четга суриб қўйди.

– Асқаджон, сен қизиқ одам

экансан, баҳор, ёз бўйи да-лада ишладинг, энди болаларнингга бераётган овқатингни қара. Карам шўрва гўштсиз пиширилмайди-ку ахир. Болаларингни юбор, бир кўйингни гўштини бериб юбораман.

Бир кун кечқурун эшигимиз олдида НКВДнинг машинаси тўхтади. Дадамни олиб кетишди. Қарагандига юборишди. Иван Фёдорович марказимга тинмай хат ёза бошлади. Устидан ким арз қилганини ҳам аниқлади. Орадан уч йил ўтиб, дадам оқланиб чиқди.

Дадам бизни эркалагинини эслай олмайман. Ойим эркаламоқчи бўлса, дарров тўхтарди:

– Болаларни аввал сен эмас, кўча мақтасин. Кейин сен мақта.

Баъзида бошимизни силаб кўярди. Шунинг ўзи биз учун катта бахт эди.

Отам кўп китоб ўқирди. Қишлоқ кутубхонасидаги бадий китобларнинг деярли ҳаммасини ўқиб чиқди. 90 йил умр кўрди.

Ҳаётим мобайнида кўп дўстлар, улфатлар орттирдим. Улар яхши кунимда ҳам, аксида ҳам ёнимда бўлди. Лекин отам ва Иван Фёдоровичдек дўстларни ҳали учратмадим.

Асқар НУРМЕТОВ.
Тўлебий тумани.

«Turkistan» телеканалда бир дақиқали реклама материаллари-ни жойлаштириш – 34000 тенгедан бошланади.

Turkistan Times янгиликлар дастурига лавҳа тайёрлаш ва жойлаштириш – 250 000 тенгедан.

“Жаңа толқын” ахборот-кўнгилочар дастурига лавҳа тайёрлаш ва жойлаштириш – 150 000 тенгедан бошланади.

Кўламдор реклама-ахборот материаллари учун чегирмалар мавжуд.

Телеканалга реклама берувчини жалб қилган ҳамюртларимизга буюртма миқдорининг 15 фоизи миқдорида агентлик муқофоти тўланади.

Барча реклама ва эълонлар эрталабки соат 08:00дан кечки соат 24:00гача эълон қилинади ва Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон Республикалари, Туркменистон ва Венгрия ҳудудларида эфирга узатилади.

Маълумот учун телефонлар:
+7 (7253) 35 30 31, +7 (747) 944-08-25.
Телеканал маъмурияти.

Turkistan телеканали ҳамкорликка чақиради

turkistantv.kz

ШОҲЖАҲОН –
БОШ РОЛДА

Келес тумани маркази – Абай қишлоғидаги А. Мўлдагулова номидagi 3-сонли мактабнинг 5-синф ўқувчиси Шохжаҳон Ислонбек ўғли Ўзбекистон Республикасининг “Ақлвой” телеканалининг буюртмасига биноан туширилаётган оммабоп болалар фильмида бош ролда ўйнамоқда.

2021 йилда мазкур фильмга Туркистон вилояти бўйича танлов эълон қилиниб, унда 1500 бола иштирок этганди. Уларнинг орасида зукколиги, зийраклиги, икки тилда бемалол гаплаша олиши билан ажралиб турган Шохжаҳон Ислонбек ўғли голибликни қўлга киритиб, фильмининг биринчи ва иккинчи мавсумида суратга тушган эди. Жорий йилда кинонинг учинчи мавсуми суратга олинди, унда Шохжаҳон бош ролни талқин қилди. Фильмдаги воқеалар



тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ёш болаларда ўзликини англашни ўргатади, савол-жавоблар билимларини қулайтиради.

Фильм Алматы шаҳрида суратга олинди. Ўзбекистон Республикасининг “Ақлвой” телеканалининг буюртмасига кўра, уни “Қазақфильм” киностудияси тасвира олди.

Келес тумани ҳокимининг маъбуот хизмати.

Директор – Бош муҳаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ, Авазхон БҮРҒОНБЕКОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДҲСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид КҲЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларни тўришлиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КҚ234УР00022903 сувоҳнома берилган.

“ERNUR-print” МЧБ бошқоҳонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, “Жаңа қала” кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават.

Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.

Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатиши – 65466.

Адади – 12000 нусха.

Буюртма: 1116.

Навбатчи муҳаррир: Хуршид КҲЧҚОРОВ.